Milliy tiklanish

Gazeta 1995-yil, 10-iyundan chiqa boshlagan

Har oyda ikki marta chop etiladi

O'zbekiston Milliy tiklanish demokratik partiyasining ijtimoiy, siyosiy, iqtisodiy gazetasi

2004 yil, 29 sentabr, chorshanba

17 (298) son

ТОШКЕНТ ШАҲАР КОНФЕРЕНЦИЯСИДА



Партия ҳаёти

Бугун юртимизда ҳуқуқий демократик давлат қуриш ва жамиятнинг маънавий янгиланишини таъминлаш марказий ўринда турибди. Мамлакатимизда туб ислоҳотлар амалга оширилаётган бир пайтда Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси ҳам ўз номига муносиб фаолият юритмоқда. Партиямиз фаоллари томонидан жойларда ташкиллаштирилаётган суҳбат-мулоқотлар, сайловолди учрашувлари, турли хил тадбирлар бунга яққол мисол бўла олади.

Яқинда Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгашининг конференцияси бўлиб ўтди.

Йиғилишда партия фаоли бўлган Олий Мажлис депутатлари, жамоат ташкилотлари, шунингдек, партиянинг пойтахтимизда жойлашган туман кенгашларидан вакиллар ҳамда партиямиз сафини кенгайтириб, аъзолик билетини олишга шайланиб турган ёшлардан бир гуруҳи қатнашишди.

Тадбир аввалида конференциянинг кун тартибига қўйилган масалалар юзасидан ЎзМТДП Тошкент шаҳар Кенгаши раиси вазифасини бажарувчи Хайринисо Мирзажонова қисқача тушунтириш бериб ўтди ва конференция ишини очиқ деб эълон қилди. Х. Мирзажонова Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши фаолияти тўғрисида ҳисобот берди.

— Партиямизнинг шаҳар Кенгаши Республика партиясининг ажралмас таркибий қисми сифатида ўсиб-улғайди, партия қурултойлари, пленумлари, Марказий Кенгаш қарорлари ва Кенгашнинг йўл-йўриқларини бажаришга сафдошларимизнинг куч-ғайратларини йўналтирди, —дейди Хайринисо Мирзажонова. — Туман кенгашлари, жойлардаги таянч пунктлари ва фаолларимиз билан ҳамкорликда кенг кўламли учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказилди. Туман кенгашларимиз ўз туманларида ташаббускор, янгича фикрловчи илғор кишиларни қўллаб-қувватлашда ва улар атрофида ижобий жамоатчилик фикрини шакллантириш, меҳнат жамоаларида ва турар жойларда ҳамжиҳатликни сақлаш бўйича аниқ ишлар амалга оширилди. Партия аъзоларининг ватанпарварлик дунёқарашини шакллантиришга доимий эътибор берилмоқда. Ўтган давр мобайнида партия ташкилотларимиз, ҳокимликлар, корхона ва ташкилотлар, хотин-қизлар қўмиталари, маҳаллалар ва нодавлат ташкилотлари билан яқин ҳамкорликда иш олиб бордилар. Режа асосида ўтказилган ҳар бир йиғилишда асосий эътибор халқнинг ишончини оқлаш, ёшлар, хотин-қизлар муаммолари ҳамда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламига, кексалар, ногиронларга ёрдам қўлини чўзишга қаратилди.

Дарҳақиқат, ҳисоботда айтиб ўтилганидек, Тошкент шаҳридаги туманларнинг партия кенгашлари томонидан олиб борилган ишлар йилнинг охирида бўлиб ўтадиган сайлов жараёнларида ўз натижасини кўрсатиши аниқ.

Шу ўринда партиянинг шаҳар Кенгаши аҳолини ва мактаб-интернатларга оталиқ ёрдамлари, хайрия тадбирларини ўтказиш бўйича алоҳида режага эга. Байрамларда кекса авлод вакилларидан ҳол-аҳвол сўрашни ҳам партия фаоллари ўз бурчлари деб билади. Партия сафига туман кенгашларидан жуда кўплаб талабалар қўшилаётгани ҳам изланиш жараёнларини бошидан кечираётган ЎзМТДПнинг келажагига умид юлдузи бўла олади. Конференцияда сўзга чиққанлар ҳам буни бот-бот таъкидлашди.

Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши тафтиш комиссияси раиси Муқима Абдуллаева сўзга чиқиб, партиянинг туман кенгашларида олиб борилган ишларни ижобий баҳолади.

— Партиямиз ғоялари ва фаолияти хорижлик ватандошларимизни ҳам қизиқтириб қолди, — деди маърузачи ўз сўзида. — Улар "Бу партиянинг номи ҳам гўзал экан, қани энди биз ҳам юртимизда шундай номли партияга аъзо бўлиб, сиёсий жараёнларда қатнашиб, ислоҳотларни амалга ошириш имконига эга бўлсак" дейишди. Сайловолди дастури бўйича ўтказилаётган йиғилишларда ҳам партиямиз илгари сураётган ғояларни тушунтириб, халқ орасига кириб бориш муҳим ўрин

сақлаш бўйича аниқ ишлар амалга оширилди. Партия аъзоларининг ватанпарварлик дунёқарашини шакллантиришга доимий эътибор берилмоқда. Ўтган давр мобайнида партия ташкилотларимиз, ҳокимликлар, корхона ва ташкилотлар, хотин-қизлар қўмиталари, маҳаллалар ва нодавлат ташкилотлари билан яқин ҳамкорликда айниқса, унинг кам таъминланган гуруҳларини ижтимоий ҳимоя қилиш йўлида олиб борган ишларини эслаб ўтгимиз келди. Шайхонтоҳур ва Ҳамза туманларига "Ўқитувчи" нашриёти билан ҳамкорликда янги ўқув йили учун бепул дарсликлар совға қилиниши ҳам хайрли иш бўлди. Ҳозирги кунда шаҳар Кенгаши болалар уйлари ва тутмоқда. Миллий қадриятларни тиклашга эътибор берилаётгани, шу билан бир қаторда умумжаҳоний илмий-техникавий тараққиётга ўз ҳиссасини қўша оладиган замон кишисини шакллантириш йўлида қилинаётган ишлар ҳам кенг қамровли тадбирларимизда ўз ифодасини топмоқда. Яқинда шаҳримиздаги "Исломобод", "Гулобод" маҳаллаларида ўтказилган йиғинларда қатнашиб, партиямиз илгари сураётган ғоя — Миллий тикланиш ғоясига хайрихоҳлар кўплигини кўрдим.

Шундан сўнг Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети декани, юридик фанлари доктори Лола Саидова, Шайхонтоҳур тумани Миллий тикланиш демократик партияси Кенгаши раиси Ақида Азизовалар сўзга чиқиб жойларда партия кенгашлари томонидан олиб борилаётган ишлар ҳақида гапиришди.

Музокаралар учун сўз навбати Тошкент шаҳар Бектемир тумани қозоқ

(Давоми 2-бетда.)

—Шу гулларни бугуноқ биринчи ўқитувчимга олиб бораман,— дейди «Энг яхши ўқитувчи» деган номга сазовор бўлган муаллима Иродахон Ҳамидова.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Нўъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.

Байрамингиз муборак, азиз устозлар!

УНУТИБ БЎЛМАЙДИ

Мактаб. Эсласанг кўнглингнинг алақаерида титроқ сезасан, ўртаниб кетади юрагинг. Билимлар сирхонасига шу даргоҳнинг остонасидан кириб боргансан. Кейин... катталар сафига қўшилдинг... Одмигина, саришта синф хоналар, парта, доска, китоб жавонларигача бирма—бир кўз олдингдан ўтади. Кимнидир соғинганга ўхшайсан, ниманидир қўмсайсан, бирдан юрагинг орзиқиб кетади... Кунларинг шу зайлда ўтаверади, ҳаёт давом этаверади. Аввал ўқишга, кейин ишга кирасан. Ҳар қадамда бир одамнинг нигоҳи сени кузатиб тургандек бўлаверади. Бирор хато қилиб қўйсанг, ўша кўзлардан уяласан, виждонинг қийналади. Ўша одам бир пайтлар айтган гаплар ҳали—ҳануз қулоғинг остидан кетгани йўқ. Қоғоз—қалам билан ишлаш маҳали келганда, ёзаётганингда, китоб ёки газета ўқисанг ҳам эсингга тушаверади ўша одам. Сенга илк бор ҳарф таништган, қўлингдан тутиб ёзишни, эринмасдан ўқишни ўргатган, болалик шўхликларига тўла кунларингга сокин, мудойим овозда ҳаёт дарсларини олиб кирган инсон— ЎҚИТУВЧИ.

Мактабни битирганингга беш йил бўлади...10 йил...20... Бу орада синфдошлар учрашуви ҳам бўлиб ўтди. Яна мактабга бординг. Биринчи ўқитувчинг нафақага чиқибди, сочлари оқарибди. Сержин юзидан ўша таниш меҳр нури ёғилиб турибди. Устозингга нималардир демоқчи бўласан. Томоғинггача тиқилиб турган бир олам гапни ютиниб айтолмайсан. Нима ҳам дея олардинг. Салом—аликдан кейинги гаплар ҳар бир ютуғингни кузатиб бораётган бир инсонга янада чексиз меҳру муҳаббат уйғотади дилингда. Дунё чиройли кўриниб кетади кўзларингга. Шу одамни бир даста гул билан ҳар байрамда йўқлаб турмаганингдан уяласан, «энди бундай бўлмайди!» деб кўнглингга тугиб қўясан. Яна турмуш ташвишлари ўз домига олади сени. Ўғил—қизинг тепасига «Менинг биринчи ўқитувчим» деган сўзлар битилган суратни кўтариб эшикдан кириб келганида англайсан ниманидир йўқотиб қўйганлигингни. Ўша нимадир яна мактабга олиб боради сени, ўзинг ўқиган мактабга.

1 октябрь—ўқитувчи ва мураббийлар куни. Мактаб ҳовлиси яна гавжум, худди бир пайтлардагидек. Кўзларинг бир одамни излайверади. Ана! Бир зумда юзингга табассум югуради. Кўзлар учрашган лаҳзада меҳр иси ўртадаги бир даста гулнинг ҳидига қоришиб кетади.

МАНСУБА

УЧРАШУВЛАР, МУЛОҚОТЛАР

Андижон вилояти Хонобод шаҳрида партия фаолларининг йиғилиши бўлиб ўтди. 150 дан зиёд киши қатнашган ушбу йиғилишда сайлов жараёнлари ва партиянинг бўлажак Қурултойига тайёргарлик ишлари кўриб чиқилди.

* * *

Партия ахбороти

Хоразм вилоят кенгаши йиғилишида ҳам кенгаш конференциясини ўтказиш, партия Қурултойига тайёргарлик ишлари муҳокама қилинди.

* * *

Тошкент шаҳрида жойларда партия бўғинлари (ячейкалари) тузишга жиддий эътибор бериляпти. Жумладан, Шайхонтоҳур туманидаги «Гулобод», «Камолон», «Янгиобод», «Каттаҳовуз», «Сархумдон», «Белтепа» ва бошқа бир неча маҳаллаларда 5 кишидан иборат партия бўғинлари тузилди. Мирзо Улуғбек туманидаги «Мустақиллик», «Оқибат», «Оққўрғон» маҳаллари ва бир неча ўқув жойларида ҳам партиямиз ячейкалари фаолиятга киришдилар.

* * *

Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ туманида Олий Мажлис депутатлари Ўлмас Саиджонов, Шарифа Салимовалар туман партия фаоллари, партиямизга хайрихоҳ кишилар билан учрашдилар. 300 дан зиёд киши қатнашган ушбу учрашувда бўлажак сайловлар хусусида қизғин мулоқот бўлди.

ОШКОРА, ХОЛИС, ҚОНУН ДОИРАСИДА

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон журналистлар уюшмаси ташаббуси билан янги парламентга сайловларга тайёргарлик жараёнларини оммавий ахборот воситаларида ёритиш масалаларига бағишланган ҳуқуқий мавзуда қалам тебратувчи журналистларнинг семинар-тренинги бўлиб ўтди.

Семинарда сўзга чиққанлар сайлов мавзусида ёзаётган журналистнинг ўзи сиёсий ва ҳуқуқий саводли бўлиши, мақолалари холис, қонун ҳужжатларига мувофиқ келадиган тарзда ёзилишини алоҳида уқтиришди. Мавзуни ёритишда кўпроқ ноанъанавий усуллардан фойдаланиш тавсия этилди.

(Ўз мухбиримиз.)

ИМЗО ВАРАҚАЛАРИНИ ТЎЛДИРИШ БОШЛАНДИ!

Азиз партиядош, маслакдош дўстлар, сафдошлар!

Шу кунларда икки палатали Олий Мажлисга, халқ депутатлари вилоят, шаҳар, туман кенгашларига сайловларга тайёргарликнинг қонунларда кўрсатилган календар иш режалари бўйича барча рўйхатдан ўтган сиёсий партиялар Қонунчилик палатаси сайловида иштирок этишни қўллаб—қувватловчи сайловчиларнинг имзоларини тўплашга киришдилар.

«Миллий тикланиш» демократик партиямиз ҳам сайловда қатнашиш, ўз номзодларини кўрсатиш ва демак жамиятнинг сиёсий ҳаётида фаол, кенг иштирок этиш учун бизни қўлловчи сайловчилар—хайрихоҳ, тарафдор кишилар, партиямиз аъзоларининг 50 минг имзосини йиғиб Марказий сайлов комиссиясига тақдим қилишимиз керак. Имзолар МСК томонидан тасдиқланган махсус имзо варақаларида қайд қилинади.

Имзо варақасида сайловчининг паспорт бўйича фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган йили (куни, ойи), яшаш жойи манзили, паспорт серияси ва тартиб рақами ва ниҳоят шахсий имзоси ҳамда имзо қўйилган сана кўрсатилади. Имзо варақаси тагида имзо тўплаган масъул шахснинг исми, паспорт серияси рақамлари ёзилади. Партия вилоят кенгашларининг раислари «Сайловчиларнинг имзоларини тасдиқлайман» деган жойга қўл қўядилар.

Биров учун сохта имзо қўйиш қатъиян мумкин эмас. Бундай имзолар варақалардан МСК томонидан аниқланган тақдирда улар бекор қилинади ва бу партиянинг обрўсига ярашмайди.

Имзо варақаларини тўлдиришда қатнашаётган масъул кишиларимиздан варақаларни аниқ, тоза, равшан тўлдирилишида диққат—эътибор қаратишларини сўраймиз. Имзо йиғиш—сайловчиларимиз билан бевосита учрашувлар ҳамдир.

Бундай учрашув пайтларида сайловчиларга имзонинг сиёсий партияни қўллаб—қувватловчи акт эканлигига тўғри, равшан тушунчалар беришингизни сўраймиз.

ЎзМТДП МК сайловга тайёргарлик штаби

ТОШКЕНТ ШАҲАР КОНФЕРЕНЦИЯСИДА

(Боши 1-бетда)

миллий маданият маркази раиси Убайдулла Сарсенбоевга берилди.

— Яқин кунларда Бектемир туманидаги маҳаллаларда бирин-кетин суҳбат-мулоқотлар, қизиқарли учрашувлар бўлиб ўтмоқда, — деди У. Сарсенбоев. — Мақсадимиз — ҳар бир оилага кириб бориш, ижтимоий ҳимояга муҳтож кишиларга ёрдам қўлини чўзишдир. "Роҳат", "Мустақиллик" маҳаллаларида ўтказилган йиғилишларда бу масалалар диққат марказида турди.

Миллий тикланиш демократик партияси Мирзо Улуғбек тумани Кенгаши раиси Дилбар Раҳмонова ҳам туманда амалга оширилаётган ишлар хусусида сўзлади. Сўз навбати илғор ёшларга берилди. Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари университетининг III босқич талабаси, "Зулфия" номидаги Давлат мукофоти совриндори Дилрабо Жуматова университетда ўқиётган ёшлар ҳақида гапирди.

— Ўзим узоқ Хоразмдан келганман, — деб сўз бошлади у. — Университетимизда жуда кўплаб маданий-маърифий ишлар олиб борилади. Биз ёшларга яхши ўқишимиз учун барча шароитлар яратилган, ҳозирда олийгоҳимиз талабалари 23 дан зиёд хорижий тилни ўрганишмоқда. Ҳар йили улар орасидан грант орқали Хитой, Япония, Жанубий Корея, Миср, Испания, Америка каби давлатларда таҳсил олаётган талабалар талайгина. Университетимиз "Камолот" бошланғич ташкилоти ҳам қатор янги йўналишларда иш олиб бормоқда.

Мен Тошкент шаҳар Кенгашининг ҳисоботи ва тафтиш комиссиясининг маърузаларини эшитиб қуйидагиларни таклиф қилмоқчиман. Пойтахтдаги туманларда партия аъзоларининг кўпроқ маҳаллаларда, мактаб ва олий ўқув юртлари, корхона ва ташкилотларга чиқишини ташкил қилиб, янги сайловолди дастурини кенг халқ оммасига етказишда янада фаол бўлишларини истайман. ЎзМТДПнинг Тошкент шаҳар Кенгаши эллик минг овоз йиғишда ҳам ўз салмоқли улушини қўшиши лозим. Олий Мажлис депутатлигига номзодлар кўрсатишда ёш номзодлар сонига ҳам эътибор бериш керак, деб ўйлайман. Бу жараёнларда ҳар бир сайловчининг ўзи сайлов тақдирини ҳал қилишини ҳаммамиз яхши биламиз.

Партия ҳаёти

ЎзМТДП Марказий Кенгаши аъзоси, партиянинг ёшлар масалалари бўйича котиби Жаннат Тошматова ҳам партиянинг ёш вакиллари сонини орттиришга эътибор берилиши зарурлиги ҳақида гапириб, жумладан шундай деди:

— Партиянинг "Ёшлар қаноти" ҳам сайловолди жараёнларда одатдагидан кўра фаолроқ иш олиб боришга интилмоқда. Асосий мақсадимиз эса, ёшлар билан яқиндан мулоқотда бўлиш, улар орасида лоқайдлик кайфиятини йўқотиш, сиёсий онгни ўстириш, миллий қадриятларни сақлаб қолиш, шунингдек, замон кишисини тарбиялашдир. Ҳозир ёшларимиз ўртасида замон кишисига айланишнинг бошқача бир талқинлари пайдо бўлмоқда. Уларни иллатлар дунёсидан қутқариш ҳам диққат марказимизда турибди. Ёш авлодни ҳам миллий, ҳам замонавий руҳ муштараклигида тарбиялашда ота-оналарнинг ҳам интеллектуал билимга эга бўлишини таъминлаш лозим. Навоий, Бедил, Мотурудийни яхши билмаган авлоднинг ҳаётида ўн йиллардан кейин оқсоқлик сезилиб қолади. Ҳозир биз режа билан ишласак, келажак эгалари учун мустаҳкам замин яратилади. ЎзМТДПнинг "Ёшлар қаноти" ёшларнинг бўш вақтларини унумли ташкил қилишга ҳам эътибор бериб келмоқда. Ўзбекистон Миллий Университетида "Ёшлар қаноти" ташаббуси билан бир қатор ишларни амалга ошириб келмоқдамиз. "Ёш сиёсатчилар", "Ёш юристлар" клублари, "Шоввозлар" театр-студияси иштирокчилари бўлган талабаларимизни бошқаларга ўрнак қилиб кўрсатсак арзийди. Пойтахтимиздаги маҳаллаларда "Оқибат", "Қадрият" рукнлари асосида ўтказилаётган тадбирлар миллий руҳни сақлаб қолишда, ёшларнинг меҳр-оқибатли, ҳунарли бўлишларида хизмат қилмоқда.

Музокаралардан сўнг навбат яна кун тартибидаги масалаларга берилди. Йиғилганлар кун тартибидаги учинчи масала, яъни ЎзМТДПнинг янги сайловолди Дастури (янги таҳрирдаги) лойиҳаси билан танишишди.

Дастур лойиҳаси ҳақида ҳуқуқшунослик фанлари доктори Лола Саидова маъруза қилди.

Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши аъзолари сайлаб олинди. ЎзМТДП Тошкент шаҳар Кенгаши тафтиш комиссиясининг янги таркиби ҳам сайлаб олинди. Бундан ташқари конференцияда Ўзбекистон Миллий тикланиш партияси Тошкент шаҳар Кенгашидан партия қурултойига делегатлар сайлаш масаласи ҳам кўриб чиқилди.

— Бугун партиянинг Тошкент шаҳар Кенгаши биринчи бўлиб конференция ишини бошлаб бераётгани ҳамда ҳисоботда қилинган ишлар билан кенг қамровли таништирилгани сайловолди жараёнлар аллақачон бошланиб кетганини кўрсатиб турибди, — деди ЎзМТДП Марказий Кенгаши раиси, Олий Мажлис депутати Иброҳим Ғафуров. — Шуни унутмангки, пойтахтнинг машъали бутун мамлакат бўйлаб кўриниб туради. Ҳозир партиямиз етакчилари баён қилган йўналишларни амалга ошириш сизларнинг фаоллигингизга боғлиқ. Жойларда, маҳаллаларда, туман ва вилоятларда аъзоларимиз қанчалик кўп бўлса, партиямизнинг жамиятга кўрсатадиган таъсир кўлами шунча кенг бўлади. Омманинг партиямизга бўлган ишончи вакилларимизнинг фаоллиги орқали юзага чиқади. 40 мингдан ортиқ аъзоси бўлган партиямиз баъзилар айтганидек, кичик партия эмас. Унинг мавқеи ўзимизнинг ҳаракатимизга боғлиқ, биров четдан қўш қўллаб олиб келиб бермайди. Мақсадларимиз асосида турган миллий тикланиш ғояси 9 йилдан буён яшаб келаётган экан, бундан кейинги даврда ҳам ғоямизнинг бошида турган учта асосий нуқта: Миллий бирлик, қадриятларимизни сақлаб қолиш, замон кишисини тарбиялаш масалалари амалда ўз натижасини топмоғи керак. Сайлов жараёнлари расмий тусга кирди, партиямиз 50 минг сайловчининг қўллаб-қувватловчи имзосини тўплаши зарур. Сайлов ҳуқуқини қозониш учун барчамиз бирдек ҳаракат қилмоғимиз лозим. Бир ёқадан бош чиқариб, аҳиллик билан, елкама-елка туриб ишласак, кўзланган мақсадларга, албатта, эришамиз.

Конференция сўнгида ЎзМТДПнинг энг фаол етакчиларига фахрий ёрлиқлар, партияга аъзо бўлиш истагини билдирган бир гуруҳ ёшларга партия гувоҳномалари топширилди.

Партия анжумани кўриб чиқилган маслаҳатлар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилди.

Гулбаҳор ОРТИҚХЎЖАЕВА,
Зумрад ВАҲОБОВА,
"Миллий тикланиш" мухбирлари.

Нўъмонжон Муҳаммаджонов олган суратлар.



Бу йил — сайловлар йили. Халқимиз бу сиёсий жараёнга катта эътибор ва ишонч билан қараётир. Юртимизнинг турли гўшаларида бўлажак сайловлар юзасидан кўплаб учрашувлар ўтказилмоқда.

Яқинда Ўрта Чирчиқ туманида Ўзбекистон Республикаси Миллий тикланиш Демократик партияси Тошкент вилоят Кенгаши фаоллари билан ўтказилган сайловолди учрашуви ҳам жонли мунозаралар, баҳсларга бой тарзда ўтди. Йиғилганлар ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоблар олдилар. Юқори ва қуйи палата, яъни қонунчилик палатаси ва сенат ваколати неча йиллиги бўйича берилган саволга партия фаоли, Олий Мажлис депутати Шарифа Салимова жавоб бериб, жумладан шундай деди:

— Қонунчилик ва сенат ваколати беш йил муддатга белгиланган. Сенатда 100 киши фаолият кўрсатиб, шундан 84 нафари сайланади, 16 нафари Президент томонидан тайинланади.

АЁЛЛАР ВА ЁШЛАР ҚАНОТИМИЗ

Дарҳақиқат, Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар кўрсатиш сиёсий партиялар ва бевосита фуқароларга тегишлидир. Республикада бир юз йигирмата округ бўлса, ҳар бир партия Қонунчилик палатаси депутатлигига бир юз йигирмата номзод кўрсатиш ҳуқуқига эга. Аммо бу жараёнда қатнашиш учун ҳар бир партия эллик мингдан имзо тўплаши керак.

Учрашувда Олий Мажлис депутатлари орасида аёллар сонининг камлиги, бу кўрсаткич халқаро андозаларга мос келиши учун эл орасида обрў — эътибор қозонган аёллар номзодини ҳам кўрсатиш муҳимлиги айтиб ўтилди. 1994 йили Олий Мажлис депутатларининг 15 нафаригина аёллар эди, холос. 1999 йилда эса, Тошкент вилоятидан тўрт нафар аёл Олий Мажлис депутатлигига сайланган. Қолаверса, республикамиз аҳолисининг қирқ беш фоизини ташкил этувчи ёшлар отряди ҳам катта кучдир. 1999 йилги сайловларда қирқ ёшгача бўлган икки юз қирқ уч нафар номзоднинг 34 таси депутатликка сайланган холос. Демак, ишчан, ғайратли, интеллектуал салоҳиятли ёшларнинг ҳам депутатликка номзодларини кўрсатиш мақсадга мувофиқдир.

Миллий тикланиш Демократик партиясининг Ўрта Чирчиқ туманидаги сайловолди учрашувида йиғилганлар жуда кўп саволларга жавоб топдилар.

Гулжаҳон МАРДОНОВА.

ХАЛҚ ИЧИДА

Бугунги кунда Ўзбекистонда сиёсий партияларнинг жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ўрни тобора сезиларли бўлиб бормоқда. Жамиятнинг турли табақаларида партиялар ҳаётига қизиқиш кучаймоқда.

Шу муносабат билан 2004 йил 18 сентябрда Мудофаа Вазирлиги ва Қуролли Кучлар Бирлашган штаби офицерларининг «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий Кенгаши ҳамда Олий Мажлисдаги «Миллий тикланиш» фракцияси раҳбарияти билан учрашуви бўлиб ўтди. Унда партия етакчиларининг маърузалари тингланди. Қизғин ва қизиқарли савол-жавоблар бўлиб ўтди.

x x x

20 сентябр куни Ўзбекистондаги сиёсий партиялар раҳбарларининг ЕХҲТ Баҳолаш миссиясининг вакиллари билан учрашувлари бўлди. Унда гап сайлов тўғрисидаги қонунлар ҳамда сиёсий партияларнинг сайловга тайёргарликлари устида борди.

x x x

24 сентябр куни ЎзМТДП Фарғона вилояти кенгаши, Қўқон шаҳар кенгаши ҳамда Данғара туман кенгашлари биргаликда Қўқонда хизмат кўрсатган ўқитувчилар, мураббийлар, устозлар ҳамда маҳаллалар фаоллари билан бир пиёла чой устида ижодий-бадиий учрашув ўтказдилар. Унда бугунги кунда мактаб ҳаётида рўй бераётган ўзгаришлар, ўқитувчиларнинг ижтимоий, маданий-маърифий ҳаётдаги қимматли ўрни, уларнинг мавқеини кўтаришдаги вазифалар, бу йўналишда «Миллий тикланиш» демократик партияси ўз дастуридан келиб чиқиб олиб бораётган ишлар тўғрисида самимий сўз борди.

Анжуманда ЎзМТДП Марказий кенгаши аъзолари Иброҳим Ғафуров, Хуршид Дўстмуҳамедов, Раҳмatали Жалилов, Бахтиёр Мўминов ҳамда Қўқон ва Данғара тумани етакчилари қатнашиб, устоз ўқитувчилар, заҳматкаш мураббийларни байрам билан чин дилдан қутладилар.

Ўз мухбиримиз

Қонун барчага баробар

ХУФЁНА ИШЛАР СИРИ

Солиқларни тўлашдан бош тортиш, қочишнинг мумкин бўлган йўллари ва механизмларни, яширин иқтисодиётни шакллантириш ҳаракатларини аниқлашга йўналтирилган тезкор таҳлил самара бераётир. Ноқонуний ҳаракатлар фош этилаётир. Шу йилнинг олти ойида вилоят бўйича иқтисодиёт, солиқ ва валютага оид қонунбузарликлар юзасидан 145 та жиноят ишлари қўзғатилди. Хуфёна иқтисодий фаолият ва жамият манфаатларига зарарлар етказилишига қарши кураш натижа бераётир. Хуфёна иқтисодиётнинг асосий кўринишларидан бири — яширин цехлар орқали маҳсулот ишлаб чиқариш ярим йилда вилоятда 22 та яширин ишлаб чиқариш цехлари фаолияти фош этилди. Албатта, яширин цехларни фош этишда тезкор маълумотлар, фуқароларнинг қонунбузарликлар ҳақидаги хабарларининг фаоллашуви доимо қўл келган.

Қўлбола мойжувозда тайёрланган сифатсиз, таркибида инсон саломатлигига зарар етказувчи заҳарли моддалари бор ўсимлик ёғларини истеъмол қилмаслик тўғрисида жуда кўп марта ёзилган. Аммо, қўлбола мойжувозларда шундай ёғлар ишлаб чиқариш ва шунақа зарарли маҳсулотларни сотиб олиб истеъмол қилиш давом этаётгани ташвишли. Нафс инсон ортидан эргашиб юрувчи балойи азим. Одамларни ташвишга солаётган қайси иллат бўлмасин, унинг ортида нафс балоси. Нафсни қондириб, уни жиловлаб бўладими? Жуда қийинга ўхшайди. Нафс қасри қанчалик баланд қурилмасин, эгасига паст кўринаверади чоғи. Нафс етаклаган манзил бекати эса устидан жиноят иши қўзғалиб, озодлигидан маҳрум этилганларга ойдек аён бўлаётир.

Фуқаро Б. Раҳматуллаевнинг ҳам хуфёна ишларининг чоки сўкилди. У ўз хонадонида яширин мойжувоз цехида маҳсулот ишлаб чиқаргани учун устидан жиноят иши қўзғатилди. Уйидан икки тонна-ю, етти юз килограмм чигит чиқди. У пахта ёғи ва кунжара ишлаб чиқариш билан шуғулланиб келган. Энг ажабланарлиси хомашё — чигит уруғлик экан. Ўзингизга маълум, уруғлик чигити дориланган бўлади. «Тадбиркор»нинг виждони, иймони борми ўзи, ахир заҳарли моддалар билан ишлов берилган чигитдан чиққан пахта ёғини одамлар истеъмол қилиб алал-оқибатда касалманд бўлиб қолиши аниқ-ку. Шу йўл билан топган даромадидан бола-чақа боққандан кўра...

Нақд пул муомаласи тартиби ҳам тез-тез бузилаётир. Савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаларида ҳар доим ҳам касса машиналари ишлатилмаётир. Савдо тушуми ўз вақтида банкка топширилмаётир. Тез нақд пулга айланувчи истеъмол товарларини сотаётганларнинг айримлари маблағларини банк муассасаларига топшириш талабини бажаришмаётир. ЎзДЭУ автомашиналарини олиб сотиш билан шуғулланган дилерлар вилоятдаги бир нечта банк муассасаларининг масъул шахслари билан жиноий тил бириктириб 361 миллион сўмдан ортиқ тушумни банкка топширмаган.

Наманган шаҳридаги «Элдорбек — 2000» хусусий фирмаси бошлиғи М. Мамажонов 2004 йилнинг 24 апрелидан 17 июнига қадар «Наманганшароб» улгуржисавдо базасидан 105 миллион 550 минг сўмлик спиртли ичимликларни олиб сотган. Шу ичимликларни сотишдан тушган 104 миллион 755 минг 400 сўм нақд пулни назорат касса машинасига кирим қилмаган ва банкка топширмаган.

Алкоголли ва тамаки маҳсулотларини ноқонуний муомалага киритиш ҳоллари, афсуски, учраб турибди. Спиртли ичимликларнинг ноқонуний савдоси билан боғлиқ 12 та, тамаки маҳсулотларининг ноқонуний муомаласи билан боғлиқ 10 та жиноят иши қўзғатилиб миллионлаб сўмлик шубҳали маҳсулотлар далилий ашё сифатида олинди.

Алкоголли маҳсулотларни сотиш учун рухсат гувоҳномасини қалбакилаштиргани ҳолда «Шаробсавдо» улгуржи базаларидан пул кўчириш йўли билан спиртли ичимликларни олиб, уларни нақд пулга сотиш орқали ташкилотлар ҳисоб рақамидаги пулларни нақдлаштириш билан шуғулланган фирмалар сири фош этилди. Алкоголли маҳсулотларни сотиш орқали 219 миллион 884 минг 600 сўмни нақдлаштирган тўртта хўжалик юритувчи субъект фаолиятига барҳам берилди.

Шу жумладан, чет элда ишлаб чиқарилган алкоголли ва тамаки маҳсулотларини контрабанда йўллари билан олиб кириш ва муомалага киритиш билан боғлиқ 10 та жиноят иши қўзғатилди. 1 миллион 614 минг сўмдан ортиқ контрабанда маҳсулотлари далилий ашё сифатида олиб қўйилди.

Яширин цех орқали спиртли ичимликларни ишлаб чиқариш ва бу цехни хом ашё билан завод орқали таъминловчи манбаа «фаолияти» очиб ташланди. Вилоят прокуратураси ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши кураш бошқармаси ходимлари томонидан олинган тезкор маълумотга асосланиб ўтказилган тадбирда Наманган тумани Ирвадон Қишлоқ фуқаролар йиғини Ровустон қишлоғи Б. Жабборов кўчаси 58 уйда яшовчи Сиддиқжон Худойбердиев ўз хонадонида қўлбола спиртли ичимликлар тайёрлаш билан шуғулланаётгани аниқланди. Унинг уйида турли ўлчамдаги пластмасса идишларда 500 литрдан зиёд, ҳар литри 450 сўмдан 225 минг сўмлик вино маҳсулотлари бўлган. Уларни қадоқлаш учун мўлжалланган 700 дона ярим литрли шиша идишлар, «Портвейн» виноси ёрлиқлари, қопқоқлар, вино қуйиш учун мўлжалланган мосламалар сотиш мақсадида тайёрлаб-қадоқлаб қўйилган винолар яширин цехдан ашёвий далил сифатида олинди.

Хўш, вино тайёрлаш учун хом ашё қаердан олинган?

Сиддиқжон Худойбердиев «Янгиқўрғон мева ва узумни қайта ишлаш» очиқ турдаги акционерлик жамиятида таъминотчи бўлиб ишлаб келган. Акциядорлик жамиятида ўтказилган текшириш кўп жиноий ишларга ойдинлик киритди.

Жамият хазиначиси Турдиали Абдураҳмонов жавобгарлигидаги 58 минг дона 284,2 минг сўмлик аксиз маркалари «ғойиб» бўлганди. Қуюв цехи бошлиғи Зокиржон Атабоев жавобгарлигидаги 73 минг 247 дона 329,6 минг сўмлик «Портвейн» виноси ёрлиқлари, 19 минг 219 дона 134,5 минг сўмлик пластмасса қопқоқлар, 148 минг 252 дона 17 миллион 48 минг сўмлик шиша идишлар «Ўзбекистон портвейни» номли 94 минг 73 дона 27 миллион 363,9 минг сўмлик вино ичимликлари, 22 минг 940 дона 112,4 минг сўмлик акциз маркалар, жаъми 62 миллион 280,9 минг сўмлик камомад борлиги сири очилиб қолди. Ушбу ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилди. Айбдорлар терговчи ҳузурида камомад сирларини айтиб, кўргазма беришаётир.

Республика ҳудудига чет эллардан ноқонуний йўллар билан товарлар олиб келинишини, истеъмол бозорини очиб ташлади. У савдосотиқ билан шуғулланиб келган ҳолда Тошкент шаҳридаги «Карвонбозор» очиқ турдаги акциядорлик жамиятидан ҳеч қандай ҳужжатларсиз, сифат сертификатларига эга бўлмаган 17 турдаги 2 миллион 154,9 минг сўмлик хорижда ишлаб чиқарилган товарларни қайта сотиш мақсадида фуқаро Рустам Жўраев бошқарувидаги 16В 05 93 давлат рақамли «КаМАЗ 5320» русумли автомашинасида олиб келаётганда қармоққа илинди. Маҳсулотлар далилий ашё сифатида олинди, айбдорга нисбатан жиноий иш қўзғатилди.

Наманган шаҳридаги «Испархон» савдо марказида жойлашган хусусий тадбиркор Бахриддин Мадраҳимов ўзига қарашли савдо шахобчасида харидорга «SHARP» русумли телевизор ва видеомагнитофонни 720 минг сўмга сотишга келишиб харидордан ҳар 100 АҚШ долларини 101 минг сўмдан ҳисоблаб 700 АҚШ доллари ва 13 минг сўм олиб, тушум пулларни назорат касса машинасига кирим қилмаган. Б. Мадраҳимовга нисбатан қонунга ҳилоф равишда кўп миқдордаги валюта қийматликларини муомалага киритгани ва савдо қоидаларини кўп миқдордаги қийматда бузганлиги учун жиноят кодексининг 177 моддаси 2-қисми билан жиноят иши қўзғатилди.

Кимки ўз мансаб ваколатларидан фойдаланиб, турли йўллар билан моддий бойликларни талон-тарож қилса, қинғир иши фош этилаверади. «Гулбоғ» ширкат хўжалиги раиси вазифасида ишлаб келаётган Баҳодир Ҳакимов 2002 йил ноябр-декабр ойларида ўзлари томонидан иссиқ овқат учун сарф қилинган 1 миллион 85 минг сўмлик маҳсулотларни ширкат омборчиси орқали марказий устахона омборига чиқим қилдирган.

Бундан ташқари раис ширкат хўжалиги балансидаги нархи 1 миллион 208 минг 772 сўм бўлган Т — 25 трактори нархини сунъий равишда пасайтириб, 260 минг сўмга «Дилмурод» фермер хўжалиги орқали Наманган давлат университети декани Маҳамаджон Мўминовга сотиб, хўжаликка 948 минг 772 сўм зарар етказган. Б. Ҳакимов ўзи ва меҳмонлари ширкат чорва фермасидан 13 бош қўй, бир бош мол сўйдириб умумий баҳоси 961,9 минг сўмлик гўшт маҳсулотларини еб-ичиб юборишади. Қинғирликларини яшириш учун ноқонуний харажатга чиқариб, ширкат хўжалигига 961,9 минг сўм зарар келтиради. Раисга нисбатан жиноят иши қўзғатилди.

Солиқ тўловчилар ўз ихтиёрлари билан қонунга амал қилса айни муддао бўларди. Хуфёна иқтисодиёт илдизларига барҳам берилсагина, тадбиркорларга ҳам кенг йўл очилишини уларнинг ўзи онгли равишда ҳис қилмоғи лозим. Ахир фарзандларимизга қонунларга амал қилиш хислатларини мерос қилиб қолдирмасак, барибир оқибати хунук бўлади. Минг яширилмасин, барибир хуфёна ишларнинг «сир»лари фош этилаверади.

Баҳодир ЗИЛЯЕВ,
Наманган вилоят прокуратураси ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бошқармаси бошлиғи, адлия маслаҳатчиси.

ФАРҒОНАЧА СУҒУРТАЛАШ

Суғурта фаолияти суғурта бадаллари (мукофотлар) ҳисобига махсус заҳира фондлар барпо қилиш ва ундан табиий офатлар ҳамда нохуш ҳолатлар натижасида кўрилган зарарни қоплаш билан боғлиқ иқтисодий муносабатлар тизимидир.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирувчиларга суғурта хизматини кўрсатувчи мамлакатимизда ягона бўлган «Ўзагросуғурта» ДАСК нинг бугунги кунда олиб борилаётган изчил ислоҳотларнинг амалга оширилишида муносиб ўрни бор, десак ҳеч муболаға бўлмайди .

Бу борада бугун Фарғона вилоятида ҳам талай ибратли ишлар амалга оширилмоқда.

Компаниянинг Фарғона вилоят бўлими мавжуд қишлоқ хўжалик корхоналари ва деҳқон – фермер хўжаликларини ҳамда қишлоқ аҳолисини ҳар томонлама суғуртавий йўл билан ҳимоялаб, ижтимоий, иқтисодий жиҳатдан қўллаб – қувватлаб келмоқда. Компания қайта ташкил этилгандан буён етти йил давомида қишлоқ хўжалигига узвий боғлиқ бўлган корхона ва ташкилотлар билан ҳамкорликда фолият олиб бормоқда.Жумладан, Давлат эҳтиёжи учун етказилаётган пахта ва ғалла ҳосилига буюртмачи сифатида фаолият кўрсатаётган тайёрлов ташкилотлари бўлмиш «Ўздонмаҳсулот» корпорацияси ва «Ўзпахтасаноат» уюшмаси корхоналари билан доимо узвий алоқада.

Ҳозирда компания «Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг» компанияси билан ҳамкорликда вилоятга келтирилган 658 та қишлоқ хўжалик техникаси 5 миллиард 623 миллион 297 минг сўмлик суғурта жавобгарлиги эвазига тўлиқ суғуртавий ҳимоялаган.

Суғурта бўлимлари томонидан тузилган шартномалар бўйича олинган мажбуриятларнинг ўз вақтида бажарилиши, табиий офатлар ёки бошқа кутилмаган офатлар рўй берганда кўрилган зарарни батафсил ўрганиб, тегишли хужжатларнинг вақтида расмийлаштирилиши натижасида компанияга бўлган ишонч тобора ортиб мижозлар сони кундан – кун кўпайиб бормоқда. Бу эса, компаниянинг нуфузини ошириш билан бир қаторда даромад манбаларининг ўсишига ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда. Биргина жорий йилда компания Охунбобоев туманидаги Охунбобоев ширкат хўжалиги лизинг асосида олган қишлоқ хўжалик техникаси автотранспорт ҳодисаси натижасида шикастлангани учун 1 миллион 895 минг 800 сўм,ўтган йили табиий офатлар натижасида пахтадан кам ҳосил олганлиги учун Қува туманидаги М. Шербўтаев номли ширкат хўжалигига 2 миллион 734 минг 400 сўм, Ўзбекистон туманидаги Азизов номли ширкат хўжалигига 1 миллион 492 минг 400 сўм миқдорида суғурта зарар пуллари берилган. Охунбобоев туманидаги «Таввакалхожи» фермер хўжалигига эса, 1миллион 262 минг 200 сўм, Боғдод туманидаги «Равшан» фермер хўжалигига 1 миллион 544 минг 700 сўм, Риштон туманидаги «Бахт» фермер хўжалигига 1 миллион 558минг 100 сўм, «Дилмурод хожи» фермер хўжалигига 3 миллион 139 минг100 сўм, «Ўзбекистон» хўжалигидаги «Қалдирғоч» фермер хўжалигига 1 миллион 522 минг 100 сўм , Ёзёвон тумани – даги «Тўхлибува» фермер хўжалигига 846 минг 800 сўм, «Фар субҳидам» фермер хўжалигига 1 миллион 803 минг 600 сўм, Фурқат тумани – даги «Намуна» фермер хўжалигига 435 минг сўм ҳамда 2003 йил буғдойдан кам ҳосил олгани учун Сўх тумани – даги «Мефтахунайим» фермер хўжалигига 794 минг 600 сўм ва «Шимолий боғдод» фермер хўжалигига 1 миллион 457минг 500 сўм суғурта зарар пуллари ўз вақтида тўлаб берилди.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Афсуски ,аксарият хўжалик раҳбарлари суғурта шартномаларига мувофиқ ҳисобланган суғурта бадалларини тўламасликлари ёки маблағ йўқлигини рўкач қилиб ҳар хил баҳоналар излаши натижасида шартномалар кучга кирмай қолиб, давлат валютаси ҳисобига келтирилган қишлоқ хўжалик техникалари суғурта ҳимоясисиз қолмоқда.

Жорий йилнинг бошида мавжуд қишлоқ хўжалик корхоналари билан чигитни қайта экиш, пахта ва ғалла ҳосили бўйича 100 фоиз , деҳқон – фермер хўжаликлари билан эса, 80 фоиздан ортиғи билан суғурта шартномалари тузилишига эришилди.

Компанияда анъанага айланиб қолган яна бир тадбирлардан бири ҳар йили мавсум бошида қишлоқ хўжалик корхоналари ва деҳқон – фермер хўжаликларининг раҳбарлари билан ўқув семинарларида суғуртага оид тушунтириш ишларини олиб бориш ҳамда компания ҳақидаги янгиликлар ва унинг рамзи туширилган билдиришномалар, китобчалар, календарлар орқали суғурталашни кенг тарғиб қилишни ташкил этишдир.

Суғуртанинг моҳияти ва афзаллиги борасида тарғибот– ташвиқот ишларини амалга оширишда вилоят телерадио компанияси томонидан турли хил реклама роликлари ташкил қилиниши, матбуотда мунтазам равишда компания ишларининг ёритиб борилиши ҳам хўжаликларнинг суғуртага бўлган талабини ошиб боришига сабаб бўлмоқда.

Биз компания раҳбари Азимжон ака Аҳмадалиев билан суҳбатлашар эканмиз, у кишининг ўз касбига бўлган меҳри беқиёс эканлигига яна бир бор амин бўлдик.

– Тўғриси, суягим шу соҳада қотди. Нимага эришган бўлсам шу соҳа туфайли эришдим, – дейди А.Аҳмадалиев. – Деҳқон уруғни ерга қадаган кундан тортиб, то ҳосилни йиғиб, ерни ҳайдамагунча ташвишни тенг тортамиз.Деҳқоннинг мол – мулки, ҳосили йил бўйи зарар кўрмаса, биз доим хурсандмиз.Деҳқон билан ният, мақсадларимиз доимо муштарак. Суғурта фаолиятисиз ҳаётимни тассавур қила олмайман. Касбим – менинг ғурурим. Одамларга нафим тегмаган кун мен учун беҳуда ўтгандек туюлади.Одамлар қалбида узоқ яшасам дейман.

Биз фарғоналик фахрий суғуртачилар билан учрашганимизда улар ҳам бугун Азимжон акадан жуда миннатдор эканликларини айтиб ўтдилар. Меҳр ва мурувват йили муносабати билан фахрийларнинг саломатликларини тиклаш мақсадида маданий дам олишни ташкил этиб, савобли ишга қўл урилибди. Водил қишлоғида жойлашган сўлим даволаниш ҳамда дам олиш масканида 10 кун даволанибқайтган фахрийларнинг қалблари шодликка тўлган.

Бешариқ тумани фахрийлари номидан Ўзагросуғурта компаниясига ёзилган миннатдорчилик хати ҳам сўзимизга яққол мисол бўла олади.Ҳа, бугун компания томонидан талай эзгу, ҳайрли ишлар амалга ошириб келмоқда.

Дарҳақиқат, «Ўзагросуғурта» компанияси бугун ўзига хос бўлган ривожланиш жараёнини бошидан кечирмоқда. Деҳқоннинг оғирини енгил қилишдек шарафли ва масъулиятли касб эгаларига эзгу ишларида омадлар тилаб қоламиз.

Муҳаммад Сиддиқ РАҲМАТОВ,
«Миллий тикланиш» мухбири.



ФЕРМЕРНИНГ ИЗТИРОБЛАРИ

Пахта увол бўлди, бунга ким жавоб беради?

— Ҳаммаси Т. Бобоев номли ширкат хўжалигининг собиқ раиси Ҳ. Абдуллаевнинг «Фермер хўжалигингиз ҳисобидан хизматда фойдаланиш учун «Волга» автомашинаси олиб берсангиз, хўжалик техникалари билан сизга хизмат кўрсатиб қарзни узиб юборамиз» деган таклифига рад жавобини берганимдан сўнг бошланди, — дейди Фарғона вилояти Охунбобоев тумани «Олимбойҳожи» фермер хўжалиги бошлиғи Абдуманноб Қосимов. — Ахир ихтиёримда бир эмас тўртта техникам бор, хўжаликдан техника олиб ишлатишга ҳеч қандай ҳожат йўқ-ку. Шу-шу бўлди-ю раис тўнини тескари кийиб олди...

Аввало, «Олимбойҳожи» фермер хўжалиги ҳақида гапирсак. Фермер хўжалиги 2001 йилда ташкил қилинган. Унга Т. Бобоев номли ширкат хўжалиги ҳудудидан 33,3 гектар ер майдони ажратилган. Фермер хўжалиги чорвачиликка ихтисослашган бўлишига қарамай пахта, ғалла ҳам етиштиради. Фермер хўжалиги ҳар йили пахта, ғалла, гўшт ва сут етиштириш режаларини ортиғи билан уддалаб келаётир. Бугунга келиб фермер ихтиёрида 53 та қорамол, 200 та қўй-эчки, 60 та наслдор отлар бор. Сурункасига икки йил президент танлови — «Ташаббус» кўрик танловининг вилоят босқичида фахрли иккинчи ўринни эгаллаб номи бутун вилоятга танилган. Иқтисоди йил сайин мўътадил ривожланиб бораётир. Чорва моллари бош сони ҳам йил сайин ортаётир.

Шу ўринда фермер хўжалиги бошлиғи Абдуманноб Қосимовнинг саховати ва ҳиммати ҳақида алоҳида гапириш жоиздир. У ўз номини саҳийлик, муҳтожларга меҳршафқат кўрсатиш билан машҳур қилди.

Янги ташкил этилган йилиёқ «Олимбойҳожи» фермер хўжалиги пахта тайёрлаш режасини вилоятда биринчи бўлиб бажариб, Марғилон шаҳри ва Охунбобоев туманида истиқомат қилувчи 42 нафар кам таъминланган оилалар фарзандлари учун суннат тўйи қилиб берди. Уларга бир қатор уст-бош совға қилди. Ҳар бир тўйбола номига омонат дафтарчаси очиб уч минг сўмдан маблағ қўйди. «Тошлоқ тепа» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида истиқомат қилувчи 140 та оилага беш килограммдан гуруч тарқатди. 2002 йилда эса 100 дан ортиқ қарияларга байрам дастурхони ёзиб, уларнинг ҳар бирига 50 килограммдан буғдой тортиқ этди. Юздан ортиқ фуқароларга эса икки килограммдан гўшт берди. 2003 йили эса, 150 дан ортиқ кам таъминланган оилаларнинг ҳар бирига беш килограммдан гуруч ҳадя этди. Фуқаролар йиғини ҳудудидаги 24-ўрта мактабни таъмирлаш учун бўёқ, цемент, оҳак ва бошқа қурилиш материаллари олиб берди. Марғилон шаҳридаги ногиронларга 5000 килограмм гуруч хайрия қилди. Юзлаб меҳрга муҳтож оилалар мамнун бўлишди. Туман марказидаги «Бахт уйи» биноси қурилиши учун 300 минг сўм маблағ ўтказиб берилди. Хуллас, Абдуманноб Қосимов бошлиқ фермер хўжалигининг саховатли ишларини санаб саноғига етиб бўлмайди.

Фермер наслли отлар етиштиришга астойдил бел боғлаган. Туманда от спортини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратаётир. Йигирма нафар ёшлардан ботир ва чаққон чавандозлар етишиб чиқишига ва улар нафақат мамлакатимиз, балки жаҳонга номдор спортчилар бўлиб танилиши учун ҳаракат қилаётир. Кўриниб турибдики, Абдуманноб Қосимов нафақат вилоятда, мамлакатда ҳам номини илғорлар қаторида тилга олса арзийдиган фермерлар сирасига киради.

Шундай бўлса-да, мазкур фермер хўжалиги тазйиқ ва муаммолар гирдобида қолди. Фермер хўжалигида қишлоқ хўжалигини, чорвачиликни янада ривожлантириш учун ер етишмаётир. Қорамолларнинг шартли бош сонига мос келадиган ер билан таъминланмаган. Чунки, белгиланган меъёрга кўра фермер хўжалиги чорва молларига ем-хашак етиштириш учун қўшимча 10 гектар ер майдони зарур. Чорвачиликни ривожлантириш ва фермер хўжалигини кенгайтириш учун қўшимча ер ажратиш ҳақида икки йилдирки Т. Бобоев номли ширкат хўжалиги раисига, туман ҳокимига бир неча марта мурожаат қилади. Раис тўнини тескари кийган бўлса, ҳоким тил учида «ёрдам бераман, ер ажратамиз» дейди-да, гапининг устида турмайди. Чунки, катта бир йиғилишда «Олимбойҳожи» фермер хўжалиги бошлиғи А. Қосимов туман ҳокими Карим Қўчқоровнинг фермерларга «муносабати»ни очиқчасига танқид қилган. Танқид кимга ҳам ёқади, дейсиз?

Деҳқончилик — буюк синоат. Уддабурон фермер ҳар қарич ердан қандай фойдаланишни, қаерга нима экишни яхши билади. Чорвачиликнинг ҳам шундай сир-асрорлари, машаққатлари бор. Энг қобилиятли, идрокли деҳқонларга ер бермай уларни сарсон қилаётган раислару, ҳоким нима истайди? Деҳқонларга муносабат шундай бўлгани учун ҳам хўжалик ва туманда пахта тайёрлаш режалари мунтазам бажарилмаётир. Ўтган йили туманда пахта режаси бор йўғи 53 фоизда қолиб кетди. Ҳар гектар майдондан 14 центнердан ҳосил олинди холос. Очиғини айтар бўлсак, туманда қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотларнинг бориши қониқарли, деб бўлмайди. Барчамизни боқадиган талантли фермеру деҳқонларга муносиб шароит яратиб бериш, меҳнатини ўз вақтида одилона баҳолаш ўрнига уларнинг йўлига тўғаноқ бўлинса, туманда аҳвол ўзгаради, деб ким айта олади? Гектаридан ўн тўрт, ўн беш центнердан пахта олиб ернинг ҳам, деҳқоннинг ҳам умрини бекор ўтказаётган туман раҳбари қишлоқ аҳолисининг эртанги куни қандай бўлишини биладими?

Ердан мақсадли ва самарали фойдаланиш масаласида туманнинг айрим хўжаликларида масъулиятсизлик, қонунбузарлик ҳолатларига йўл қўйилаётир. Юзлаб гектар ерлар уқувсиз кишиларга берилгани оқибатида фойдаланилмай ётибди. Ишлайман деган фермер эса ер ололмайди. Ерга бўлган хўжасизларча муносабат қачонгача давом этади?

Шу йилнинг бошида Т. Бобоев номли ширкат хўжалигидаги бедапоя бузиб ташланадиган бўлади. «Олимбойҳожи» фермер хўжалиги бошлиғи бедапояни ўз ихтиёрига олиб, ўрнига ўзига қарашли 10 гектар ерга пахта экиб етиштириб бериш таклифи билан чиқади. Бу таклиф икки томонга ҳам маъқул бўлади. Ширкат хўжалиги раҳбари фермер хўжалигига пахта экиш учун расман рухсат этади ва 700 килограмм уруғлик чигит ажратади. Ўша пайтда ширкат хўжалиги раиси Ҳ. Абдуллаев эди. Шу орада хизмат автомашинаси воқеаси бўлади-да, ўзаро муносабатлар совуқлашади.

Фермер ўз ҳисобидан 10 гектар майдонда пахта етиштириш учун 10 тонна мачавина, 6 тонна суперфосфат ишлатади. Олти марта ғўза ораларига ишлов беради, уч марта чопади. Суғоради, ягана, ўтоқ, чеканка қилади. Уч марта кўсак қурти ва ширага қарши химикатлар билан ишлов беради. Бу харажатларни фермер ўз ёнидан сарфлайди. Пахта пишиғилишда фермер ёрдам сўрайди. Шунда ҳам хўжалик раиси шартномани имзолашни пайсалга солиб юраверади. Фермер теримни бошлай олмайди. Пахта даласидаги ҳосил чўғидан путур кетади. Шира тушиб сифати бузилади. Шунда А. Қосимов туман прокурори О. Холматовга ёзма равишда ариза олиб боради. Ахир пахта увол бўлаётганди. Оқибатда фермер миллионлаб зарар кўраётганди. Прокурорнинг аралашуви билан шу куни — 16 сентябрда шартнома имзоланади. Терим бошланади. Аммо фурсат бой берилганди. Энг юқори навга сотиш мумкин ва аниқ бўлган пахта ҳом ашёси вақтида териб олинмагани оқибатида шира босиб, жуда паст навли пахтага айланади.

— Ҳоким ва хўжалик раиси атайлаб, қасддан менга зарар етказишди, — дейди А. Қосимов. — Шунча изтироб чекдим, асабларим қақшади, йил бўйи фермер хўжалигим аъзолари қилган меҳнатлари кўкка совурилди. Тегишли ҳуқуқ-тартибот идораларига зарарни ундириш учун мурожаат қиламан.

Ҳа, туман ерларида пахта етиштиришнинг ўзи бўлмайди. Тинимсиз машаққатлар ва катта харажатлар ҳисобига етиштирилган пахта ҳосили ҳоким ва хўжалик раисининг масъулиятсизлиги эвазига ўз сифати ва хусусиятини йўқотади-ку! Майли, улар фермерга ачинмасин лекин оппоқ пахта увол бўлди-ку, виждонлари бу ҳолни кўриб қандай чидаганига ҳайронсан киши. 28 тонна уруғлик ва юқори сифатли пахта етиштираман, деган фермернинг орзулари сароб бўлди-ку!

— Ахир ҳукуматимиз раҳбарлари пахта етиштиришга бу йил ҳар йилдагидан кўра кўпроқ эътибор қаратиб, деҳқонга яхшироқ шароит яратиб бериш сиёсатини юргазиб турган бир пайтда ҳоким ва раиси тайёр пахтани териб олиш чораларини кўрмаса, фермерга тазйиқ ўтказса, буни қандай баҳолаш мумкин?

Фермернинг икки йилдан бери қўшимча ер ажратиш ҳақидаги аризаларини эътиборсиз қолдираётган ҳоким ва хўжалик раисига янги баҳона ҳам тайёр. Энди тартиб ҳам ўзгариб қолди — фермерларга ер тендер танлови орқали ажратилади. Хўжаликда янги фермер хўжаликлари тузиш ва ҳозирги кунда фаолият кўрсатаётганларини танлов асосида кенгайтиришни ташкил этувчи комиссия эса ҳали бирор марта танлов ўтказилмади. Хўжаликда иқтисодий ислоҳотлар ўлдажўлда — қолоқлик ботқоғига ботган. Ҳали-ҳамон эски тузумга хос иш юритиш ва бошқарув услубларидан воз кечилмаган. Кейинги уч йилда хўжаликда беш марта раис алмаштирилганининг ўзи ҳам ачинарли. Туман ташкилотлари ва корхоналарида кадрларни тез-тез алмаштириш «анъанага» айланган. Бу усул замирида не сир борлигини ҳеч ким билмайди.

Кўриниб турибдики, туман қишлоқ аҳолисининг кечаги кунини бугунги куни билан солиштирганда ҳеч қандай ижобий ўзгариш сезилмайди. Ахир туман деҳқонларининг ҳам яхшироқ яшашдан умидлари бор-ку?!

Биз туман раҳбари ва хўжалик раисининг фермерларга, қишлоқ хўжалигига бўлаётган муносабатидан бир шингил ёздик, холос. Гап Фарғона вилояти раҳбарларида қолди.

Дилмурод ҚИРҒИЗБОЕВ,
«Миллий тикланиш» махсус мухбири.

Ҳидоят йўли-ҳимоят йўли

КАШФ ЭТИЛГАН ҲАҚИҚАТ

Шаҳримизнинг ёши улуғ отинойиларидан бири билан маросимда ўтирибмиз. Мезбонлар анча тайёргарлик кўришган чоғи дастурхонда жондан бошқаси бор. Отинойи бошқалар қатори ноз-неъматлардан тотинган бўлдилар-да, қўлларига Қуръони каримдан кўчирилган «Ёсин» сураси битилган китобчани олдилар. Издиҳом аҳли сукутда отинойига қулоқ тутди. Ҳа, овозлари ғоят ширали экан, зер-забарини жойига қўйиб, қироат билан, завқ-шавққа тўлиб ўқийдилар. Қироатдан сўнг отинойи ўз тилимизда дуо қилиб бўлгач, меҳмонларни дастурхонга чорладилар.

Маросимнинг асосий қисми-ўқишхонлик тугагани учун меҳмонлар суҳбат мавзуини заминий ташвишларга бурдилар. Ёшгина келин қайнонасидан нолий бошлади, бурчакрокда ўтирган икки аёл янги чиққан матолар таърифини келтиришарди, яна кимдир тилланинг грамми қанча бўлганини суриштирарди, қай бурчакда эса маросимга келмаган аёлларнинг ғийбати авжига минарди.

Уларни аста кузатарканман, ўз гумроҳлигимиздан, нодонлигимиздан ўксиб кетдим. Ҳозиргина Қуръони Каримнинг қалби бўлмиш — «Ёсин» сураси ўқилса-ю, Аллоҳ каломини тинглаган қалблар ҳамон ухласа. Гўё ярим соат муқаддам отинойининг қироатини эшитмагандай, ҳамма ўзи билан ўзи оввора. Наҳот Муқаддас китобимиз сураларининг қироати шунчалар тез унутилса?! Наҳот отинойининг қироати шамолга учсакетса?! Қалбим даҳшатга тушди.

Меҳмонларда ҳам айб йўқ, чунки улар Каломнинг арабийсини эшитдилар. Мазмунини тушуниб етмадилар, деган хулосага келдим. Отинойига юзланиб, секингина:

— Аяжон, «Ёсин»нинг ўзбекчасини ҳам айтиб берсангиз, илтимос, — дедим. Отинойи кутмаган эканларми, бироз аччиқ билан:

— Она қизим, Қуръон арабийда тушган, ўзбекчада ўқи, деган жойи йўқ, — дедилар.

Тортишиш адабдан эмас, аммо ичимда ботиний эътирозлар...

Ҳа, тўғри, Қуръонда ўзбекча ўқи, деган жойи йўқ. Лекин Каломнинг 20-сура, 2, 3-оятларида: «(Эй Муҳаммад), Биз сизга бу Қуръонни қийналиб, жафо чекишингиз учун эмас; балки (Аллоҳдан) қўрқадиган кишиларга панднасиҳат бўлсин учун нозил қилдик», деб уқдирилади-ку. Модомики, Қуръонни ўзбек аёллари эшитишаётган экан, ундаги панд-насиҳатларни ўзбек тилида айтиш гуноҳми? Наҳот бир уй аёл Қуръони Каримнинг қалби бўлган «Ёсин»ни тушуниб, ундан панд-насиҳат, ибрат олиши мумкин бўлмаса?! Анъанавий маросимларда Оллоҳ Каломини арабийда эшитсагу, тугагач, яна одатий ғийбат, иғво давом этаверса... бу тил учидаги ибодат бўлиб қолмайдими? Қуръон — ҳаёт дастури. Шундай экан, оятларни қироат оҳангига маҳлиё бўлиб, қулоқни қувонтириб, шунчаки зарурнинг зўридан эшитиб қўйиш... хато эмасми? Аксинча, Каломни ўз тилимизда маъносини англаб, унда кўрсатилган йўл-йўриқлар асосида яшаш тўғри бўлмасмикин? Мен Қуръони Каримни арабийда ўқиманг, дейиш фикридан йироқман, чунки оятларнинг оҳанги, сўзлар жаранги илоҳий қудратга эга. Лекин, назаримда, ана шу илоҳий қудрат маъно-моҳиятига эътибор бериб, қалбимизга, жонимизга жо қилиш вақти етди. Ахир, ўзбекнинг қалбига Калом маъноси ўзбек тилида, арабнинг қалбига эса арабийда етиши оддий ҳақиқат-ку! Қуръоннинг бирон-бир ҳарфини бузманг, дегани бошқа тилга таржима қилманг, дегани эмас, ахир.

«Зотан Ҳақ Подшоҳ — Аллоҳ (бирон ишни бехуда қилишдан) юксакдир» дейилади Каломнинг 23-сура, 116-оятида. Қуръоннинг ўзбек тилига ўгирилиши ҳам, Аллоҳнинг амри-рухсати билан бўлган деб санасак, демак, бу иш таржимоннинг унвони ёки ҳурмати ортиши учун эмас, балки, 25 миллионли ўзбек миллати китобни она тилида ўқиб, ўрганиши учун амалга ошгандир. Балки бу Калом таржимаси чаласавод «домлача»ларга эргашиб қолмаслигимиз учун керакдир. Балки, Қуръони Каримнинг 3-сура, 79-оятидаги: «Бирор одам учун Аллоҳ унга Китоб, Ҳикмат ва пайғамбарлик берганидан сўнг, одамларга: «Аллоҳга эмас, менга ибодат қилинглар» дейиши жоиз эмас, балки уларга: «Аллоҳнинг китобини одамларга таълим бериб ва ўзингиз ўқиб-ўрганиб, ёлғиз Парвардигорга ибодат қиладиган кишилар бўлинглар» (демоғи лозимдир)» деган вазифани бажаришимиз осонроқ бўлиши учун Калом биз тушунадиган тилга ўгирилгандир. Беайб Парвардигор, дейдилар. Аллоҳга таваккал қилиб, бир ишни бошласак, унинг якуни бахайр бўлади. Қодири Самоводан Қуръон сураларини фақат қулоғимизга эмас, жонимиз — руҳимизга жо қилишни ва Калом асосида яшашимизга Ўзи ёр бўлишини сўраб қоламиз.

Ҳаётхон ҚУРБОНОВА,
Фарғона шаҳри.



БУЛУТЛАРДАН БАЛАНДГА ЧИҚАМИЗ

Қатра

Болаликнинг кўзларига ҳамма нарса чиройли кўринади. Унинг кўзлари ҳайратга тўла. Куз келди. Болалик камалакранг дунёни кўриб, ҳаяжонга тўла туйғулар билан яшай бошлади. Боғ четидаги теракзорга бориб, ўй сурди у. Узоқ—узоқ ўй—ларди болалик. Кейин ёнғоқ дарах—тининг ёнига кел—ди. Ўзини ҳислари маъсума опа—син—гилларнинг ёнида кўрди у.

— Қара, турналарнинг овозини эшитяпсанми?

— Баҳорда «арқон бўлинглар, гилам бўлинглар...» деб кутиб олгандик—а, уларни?

— Кеча устозимиз Малика опа айтди, улар узоқ ўл—каларга учиб кетишар экан. Баҳорда бизни соғиниб қайтиб келишади.

— Қалдирғочлар ҳам кетиб қолишадими?

— Ҳа, мусичалар биз билан қолади фақат.

— Қаранг, самолёт. Катта бўлсак самолётда учамиз—а? Булутлардан ҳам баландга чиқамиз...

Шу бугун қалби орзуларга лиммо—лим қизалоқлар билан бир умр бирга яшашни ният қилди болалик. Ахир тоза юраклардагина яшашни истайди у.

ЖОНСЎЗ

Нўъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат-лавҳа.

Спорт оламида

ЁШЛАРИМИЗ ҒАЛАБА БИЛАН БОШЛАДИ

Шу кунларда Малайзияда ёшлар ўртасида футбол бўйича 34—Осиё чемпионати бўлиб ўт—моқда. Унда мамлакатимиз ёшлари ўз гуруҳларида Лаос, Сурия ва Ҳиндистон вакиллари билан куч синашади.

Рауф Инилеев бошчилигида ҳаракат қиладиган ҳамюртларимиз камида ўтган Осиё чемпионатидаги натижани такрорлаб, Жаҳон чемпионатига йўл олишни мақсад қилган. Эсингизда бўлса, 2002 йил Катарда ўтган қитъа чемпионатида тўртинчи ўринни олган футболчилар Жаҳон чемпионатида гранд жамоаларга қарши муносиб ўйин намойиш этган эди. Мақсад йўлида йил бошидан бир неча бор ўқув—машғулот йиғинларини ўтказган ёшларимиз анча уюшқоқлик билан ҳаракат қилишгани ҳам—мага маълум. Улар 10 га яқин Европа жамоалари, иккита Осиё вакиллари билан ўртоқлик ўйинларини ташкил этиб, ижобий натижаларни қўлга киритган. Таркибга назар ташлайдиган бўлсак, бир қатор тажрибали ўйинчилар борлигига гувоҳ бўламиз. Марат Бикмаев, Виталий Денисов каби Россия чемпионати иштирокчилари, Шавкат Саломов, Но—дирбек Қўзибоев, Шерзод Каттаев сингари Олий лигамизда муносиб ўринларни эгаллаган маҳорат эгалари ўзларининг нималарга қодирлигини кўрсатиш пайти келган.

Ҳамюртларимиз Малайзияда биринчи ўйинларини ўтказишди. Лаос футболчиларига қарши майдонга тушган футболчиларимиз 5:2 ҳисобида ғалаба қозо—нишди.

САРДОР ЖАЗОГА ТОРТИЛДИ

Ўтган ҳафтада "Манчестер Юнайтед" сардори 33 ёшли Рой Кин устидан икки кунлик суд жараёни бў—либ ўтди. Гап шундаки, ўн олти яшар ўспирин судга даъво аризаси билан мурожаат этган. Унда ёзилишича, Рой Кин уни дўппослаб, жароҳат етказган. Суд залида Кин ҳеч кимга ҳеч қандай ёмонлик қилмаганини бот—бот такрорлади. Суд раиси Кинга енгил жазо тайин—ламоқчи бўлган бир пайтда ўспирин бунга қарши чиқди ва унга катта жарима солинишини ёки қамоққа олинишини талаб қилди.

Суд бу ишни кўриб чиқишни 21 октябрга қолдирди. Кин эса гаров эвазига 20 минг фунт стерлинг тўлаб ўз футболчилик фаолиятини давом эттирмоқда.

АКА УКАНИНГ ҚАСОСИНИ ОЛМОҚЧИ

WBC йўналиши бўйича мутлоқ жаҳон чемпиони Виталий Кличко ўз камарини ҳимоя қилишга кириш—моқда. Бунинг учун у ўзи жанг ўтказиши лозим бўл—ган рақиблар рўйхатини ҳам тузиб қўйди. Унинг би—ринчи рақиби Тайсон бўлиши керак эди. Аммо Тайсон сўнгги жангида Уильямсга ютқазиб қўйгандан кейин, Виталий айнан шу боксчига қарши рингга кўтарил—моқчи. Кейинги рақиби Крис Бред бўлиши мумкин.

Виталийнинг энг асосий нияти эса Ламонт Брюс—терни нокаутга учратиш эканлигини таъкидлади. Не—гаки, у Кличколарнинг кичиги Владимирни мағлуб эт—ган. Ака уканинг қасосини тезроқ олишни хоҳламоқда.

КОСТЯ ЦЗЮ ЖАНГГА ТАЙЁР

Ярим ўрта вазн бўйича жаҳон чемпиони Констан—тин Цзю ўзининг навбатдаги жанг олди тайёргарлигини ниҳоясига етказди. Эслатиб ўтамиз, у шу йилнинг 6 ноябрида Шармба Митчеллга қарши рингга кўтарила—ди.

Костя машғулотларини Канбер спорт маркази за—лида ўтказди. Боксчининг жисмоний тайёргарлигидан, айниқса, мураббий Жонни Луис жуда миннатдор.

— Шогирдим ҳозир илгаригидан ҳам яхшироқ кў—ринишга эга, — дейди мураббий. — Энди Митчеллга келадиган бўлсам, у Костядан ўлгудек қўрқади. Бил—мадим, қайси юрак билан рингга кўтарилмоқчи. Ахир, Костя унинг суякларини синдириб юборади—ку!

Суннатилла ИСЛОМОВ тайёрлади.

Ажаб дунё

Йўлбарсни қутқаришди

Рио-Де-Жанейро маҳаллий зоопаркларидан бирида-ги Карлито лақабли йўлбарснинг юраги хуруж қилиб қолди. 105 килограмм вазнли йўлбарсга зоопарк бошлиғи сунъий нафас олдирмаганида у аллақачон ўлган бўлар эди.

Зоопарк бошлиғи Роберт Маннининг айтишича, сунъий нафас олдириш ва юрак атрофини массаж қилиш билан қимматли ҳайвонни сақлаб қолган. Ҳаётда шунақаси ҳам бўлиб турар экан.

6 миллион доллар катта пул эмас

Яқинда рок юлдузи Элтон Жон 14 миллион долларга тушди. Бу ишни унинг собиқ «John Reid Enterpises» менежерлик компанияси ва «Princewater House Coopers» молиявий маслаҳат берувчи фирмаси амалга оширган.

Қўшиқчи уларга ўз турнеси вақтида каттагина пул берган. Аслида эса, улар ўз харажатларини ўзи қоплаши зарур эди. Бундан кўнгли қолган Элтон Жон ҳар икки компанияни судга берган. Бироқ суд ишни унинг фойдасига ҳал қилмади. Натижада, қўшиқчи 14 миллион маблағ йўқотди. Бу ҳам етмагандай, суд ишлари учун ҳам қўшимча 6 млн. доллар чегириб қолинди. Фақат бир нарса унга таскин беради, бу унинг учун унча катта маблағ эмас. Дунёнинг энг бадавлат уч мусиқачисидан бири саналмиш Элтон Жон сўнгги бир ярим йил ичида харажатлари учун 45 миллион доллар маблағ сарфлаган.

Янги бош кимга керак?

Александр Беляевнинг «Профессор Доуэлнинг боши» фантастик романини ўқиган бўлсангиз керак. Огайо штатининг Кливленд шаҳрида истиқомат қилувчи профессор Роберт Уайт ҳам шу йўлдан боришга аҳд қилди.

У ўз усулини узоқ вақт мобайнида маккаларда синаб кўрди. Шунда маккажўхорилардан бири кутилганидан ҳам узоқ яшади. Бундан руҳланиб кетган профессор агар кимга зарур бўлса, бошини текинга алмаштириб беришни эълон қилди. Хуллас, инсоният учун мисли кўрилмаган кашфиётлар эшиги очилаётир. Масалан, файласуфнинг боши тикилган футболчи, матчдан сўнг уйида Кантнинг асарларини бемалол мутолаа қилаверади.

Аммо бир муаммо бор: ўз танасига бошқа бировнинг бошини тикишга рози бўладиган бирон кўнгилли топилармикан?

Бошлиқни кўзидан айирди

Гонконг шаҳрида компьютер-техникаси дўконидаги ишчи Ко Минг Чу 10 йил қамоқ жазосига ҳукм этилди. У ўз бошлиғининг юзига кислота сепиб юборишда айбланди.

Гап шундаки, раҳбар Минг Чуни ишдан бўшатиб юборган, у эса қанча уринмасин, янги иш топа олмаган. Жаҳли чиққан Минг Чу собиқ бошлиғидан қасд олишга аҳд қилади ва юқоридаги ишни амалга оширади.

Кислота сепилганидан кейингина у даҳшатли тарзда интиқом олганини англади. Суд ҳукмидан қўрққан Минг Чу жонига қасд қилмоқчи бўлиб, ўзини денгизга ташлади. Шу атрофда юрганлар уни қутқариб қолишди.

Дўкон бошқарувчиси эса, шифохонада ётибди. Унинг юзи ва гавдаси қаттиқ куйган. Кўзидан бир умрга жудо бўлган. Минг Чунинг адвокати бу ишни қаттиқ руҳий тушкунлик устида амалга оширган, деб уни оқлади.

Ерда муз қанча?

Олимларнинг айтишича, она заминнинг 11 фоизи, яъни 30 миллион куб/километрини муз қоплаган. Унга Шимолий қутб ҳамда Антарктида музликлари ва айсберглар киради. Агар ўша муз ер бўйлаб ёйилса, у ер сатҳини 60 метр баландга кўтаради. Энг катта музлик Антрактидада топилган, бўйи 5000 метр. Мабодо, музликлар ерни қопласа, иссиқлик 3 баробарга пасаяди. Ернинг ҳарорати эса, ўртача 90 градус. XX асрнинг 40-йилларидан бошлаб музликлар қуруқликни қоплай бошлади. «Бундан кейин музликлар пайдо бўлмайди, бори ҳам эрий бошлайди» дейди олимлар.

Инглизчадан Гавҳар ДИЛМУРОДОВА таржимаси.

Маслаҳатхона

Ухлаш олдидан ёнғоқ истеъмол қилманг! Бу соғлиғингиз учун зарарли.

***

Асал билан ёнғоқни ҳеч қачон биргаликда тановул қилманг. Ёнғоқни қуруқ мевалар (майиз, бодом кабилар) билан еганингиз маъқул.

***

Беҳи уруғини янчиб, истеъмол қилиш юрак хасталигига даво бўлади.

***

Кўзга говмижжа чиқса, эритилган, қўй гўштининг думба ёғидан суртиш лозим. Тез, беозор тузалади ва бошқа чиқмайди.

***

Хом пиёз балғамни кўчиради.

***

Сабзавот, полиз маҳсулотлари етиштиришда солинадиган селитра одамни шамоллатиш, совуғини ошириш хусусиятига эга. Буни ҳисобга олинг!

***

Қадим-қадим замонларданоқ табиблар бир қанча хасталикларга дўлана мевасини тавсия этганлар. Юрак-томир хасталиклари, бош айланиши, пешоб тутилиши, томирлар касаллиги ҳамда қувватсизликда дўлананинг шифобахшлик хусусияти катта.

***

Меъда нордонлиги баланд бўлса, уни пасайтириш учун оддий жийда тановул қилиш керак. Паст бўлса, нордонликни кўтариш учун тоғолча меваси фойда беради.

***

Совуқ мижоз одамларнинг истеъмол қилаётган таомларида қўй чарвиси бўлгани маъқул. У шамоллашдан, йўталдан, қувватсизликдан сақлайди.

***

Ёнғоқ, бодом пўчоқларини ҳеч қачон ташлаб юборманг. Улар қайнатиб ичирилса, йўтал қолади. Пўчоқлар айнимайди, чиримайди, қурт тушмайди, бир неча юз йил мобайнида ҳам эскирмай тураверади.

МАНСУБА тўплади.

Дастурхон кўрки

«Севимли онамга» торти

Масаллиқ: 6 та тухум, 2 стакан шакар, 2 стакан сметана, 3 чой қошиқ какао, 1 стакан майдаланган ёнғоқ мағзи, 1 стакан ивитилган майиз, 1 чой қошиқ сода, 2 стакан ун.

Тайёрлаш: Масаллиқларни аралаштириб, хамир қорилади. Хамирни 2 қисмга бўлиб, 2 та кулча пиширилади.



Креми учун: 350 гр. сариёғ кўпиртирилиб, 1 банка қуюлтирилган сут, 2 ош қошиқ лимон ёки апельсин шарбати, 1 ош қошиқ коньяк қўшилади. Тайёр тортнинг ёни, уст қисми ёнғоқ мағзи, апельсин бўлаклари билан безатилади.

Пайшанба таъбирномаси

Пайшанба куни уйдан уйга кўчмоқ яхши эмас. Шу куни янги кийим бичилса қувончи, шодлиги кўп бўлади. Пайшанбада бошланган ёки шу куни бажарилган иш ҳам баракали, фойдали якун топади.

Пайшанба куни янги кийим кийсангиз иззат, ҳурматли бўласиз. Унутманг, шу куни янги режалар тузиш ҳам яхши.

Юсуф алайҳиссалом таъбирномасидан.

ОЛХЎРИ- ШИФОБАХШ МЕВА

Қуритилган олхўри тиш касалликларига даво бўлиб, милкларни мустаҳкамлайди. У кўп касалликларга даво деб топилган пиёздан кўра хуштаъм ва ҳидсиздир.

***

Олхўридан тайёрланган шарбат ошқозон кислотасини камайтиради. Гастрит,ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак яраларига шифо бўлади.

***

Олхўри кам қонликни даволашда қўлланиладиган воситалардан биридир. Олхўри меваси-дан кунига 3—4 дона истеъмол қилиш қабзиятга даво ва унинг олдини олади.

***

Олхўри шарбатидан тайёрланган махсус ичимлик йўтални қолдиради.

М. ЖАББОРОВ тайёрлади

Оҳангарон Далварзин ирригация тизими бошқармаси қуйидаги туманларда ишлаш учун

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ПИСКЕНТ ТУМАНИДА

К — 700 *трактори ҳайдовчиси - 2 та ўрин. Ойлик маош 50 минг сўм*

Т — 150 *трактори ҳайдовчиси - 2 та ўрин. Ойлик маош 50 минг сўм*

Бульдозер *ҳайдовчиси - 2 та ўрин. Маош ишбай*

ЮМЗ ЭО — 2621 *ҳайдовчиси - 2 та ўрин. Маош ишбай*

Экскаватор *машинисти - 2 та ўрин. Маош ишбай*

БЎКА ТУМАНИДА

Экскаватор *машинисти - 2 та ўрин. Маош ишбай*

БЕКОБОД ТУМАНИДА

Экскаватор *машинисти - 1 та ўрин. Маош ишбай*

ОҲАНГАРОН ТУМАНИДА

Экскаватор *машинисти - 1 та ўрин. Маош ишбай*

МАНЗИЛ: Пискент тумани, Тўйчи Полвон кўчаси 1-уй.

Телефонлар: 52-253, 52-806.

Milliy tiklanish

Муассис: Миллий тикланиш демократик партияси

Бош муҳаррир: Иброҳим ҒАФУРОВ

Нашр муҳаррири: Дилмурод КИРҒИЗБОЕВ

Газета 014-рақам билан рўйхатдан ўтган. Буюртма: Г — 1030. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда .

Газета IBM компютерида терилди ва саҳифаланди. Саҳифаловчи: Раъно ИСМАИЛОВА. Босишга топшириш вақти 20.00. Нашр кўрсаткичи — 158

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32 уй

Телефонлар: қабулхона — 133-67-51, бўлимлар —136-58-80, 136-58-73

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Босишга топширилди 20.00

RESPUBLIKASI
MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

O'zMTDP

Gazeta 1995-yil, 10-iyundan chiqa boshlagan

Milliy tiklanish

Har oyda ikki marta chop etiladi

O'zbekiston Milliy tiklanish demokratik partiyasining ijtimoiy, siyosiy, iqtisodiy gazetasi

2004 yil, 15 oktyabr, chorshanba

18 (299) son

Ўзбекистон «Давлат тили ҳақида»ги Қонун яратилганлиги ва Давлат тили байрамининг 15 йиллигига

ДАВЛАТИМ ТИЛИ

Ҳаётимизда, мустақилликни мустаҳкамлаш жараёнида, янги байрам куни юзага келди. У ҳам бўлса ҳар йилнинг 21 октябридир. 1989 йилнинг худди шу кунида «Давлат тили тўғрисида»ги Қонун, кўп ойлик муҳокама натижасида қўшимчалар ҳамда ўзгартишлар киритилгандан сўнг, оммавий ахборот воситаларида эълон қилинди. Мана ўн беш йилдирки, ҳар йилнинг 21 октябрида давлат тилимиз борасида олиб борилаётган ишларга хулоса ясаймиз ва шу асосда навбатдаги вазифаларга эътиборимизни жалб этамиз.

Аммо, бу йилги Давлат тили байрамимиз маълум даражада ўзига хос, десак бўлади. Маълумки, «Давлат тили тўғрисида»ги Қонун эълон қилингандан сўнг ўн беш йил ўтди. Шу ўн беш йил ичида давлатимиз тили ҳақидаги Қонунни ҳаётга татбиқ этишда, унинг таъсир доирасини кенгайтиришда, халқ онгида унинг ўрнини мустаҳкамлашда шу қадар улкан ишлар қилиндики, уларни тўла англашга яна қанча-қанча йиллар керак бўлади. Миллатимиз ўз тилига ўзи эгалик қила бошлади, уни такомиллаштириш жараёнида фаол қатнашиб, тилимизнинг тараққиётини тезлаштирмоқда.

Давлат тили ўзининг давлатига эга миллатнинг тилидир. Уни бойитиш, фойдаланиш доирасини кенгайтириш ва умуман такомиллаштириш ўтла равишда миллатнинг ихтиёридаги масаладир. Аммо шу нарсани кўзда тутмоқ керакки, миллат, миллий давлат ва унинг тили ҳар бир даврда муайян конкрет шароитда мавжуд бўлади ва давлат тили қонун-қоидаларини белгилашда ана шу конкрет шарт-шароитларни инобатга олмоқ шубҳасиз талабдир.

Демак, ўзбек тилининг давлат тили сифатида қонун-қоидаларини аниқлашда ҳам шу тамойилга риоя қилиш даркор.

Ўзбек тилининг давлат тили сифатида янада ривожланишини таъмин этишда навбатдаги вазифалар нималардан иборат? Бизнинг фикримизча, бунинг учун ҳозирги кунда уч масала диққат марказимизда бўлмоғи талаб қилинади. Булар, биринчидан, давлат тили назариясини яратиш, иккинчидан, ўзбек тилининг Изоҳли луғатини тайёрлашни тезлатиш ва учинчидан, лотинча ёзувга ўтиш муаммоларидир.

Давлат тили назарияси — тилнинг илмий пойдевори.

Ҳар бир ижтимоий воқеа ва жараён назарий жиҳатдан етарли асосланмасагина, у муваффақиятли тараққий этади, унинг ривожланиши йил сайин тезлашади. Табиийки, давлат тили масаласига ҳам бу талаб — қоида тегишлидир.

Аммо, таассуф билан эътироф этишга тўғри келадики, Ўзбекистонда давлат тили назарияси бўйича кўзга кўринарли иш қилинмоқда, деёлмаймиз. Бу масалада маълум даражада ўта хотиржамлик кайфияти мавжуд. «Яратганга минг шукр, — демоқчи бўладилар бамайлихотирчилар. — Тилимиз давлат тили даражасига кўтарилди, эркин, ҳеч қандай тўсиқ ёки монеълик сезмасдан ривожланмоқда. Бундан ортиқ бизга яна нима керак?!» Ҳозирги пайтда кўпчиликнинг фикр юритиши ана шу тарзда, дейиш мумкин. Мажозан айтсак, ўтмишнинг мустабид шароитидан қутулиб, мустақилликнинг мусаффо кенглигига чиққан халқимиз, давлат тили шуълаларига чўммоқда. Бу ҳолат оддий воқеликка айланмоқда. Ҳолбуки, бу воқеликни назарий жиҳатдан асослаш навбатдаги муҳим вазифалардан биридир.

Ўтмишнинг инсонни хўрлайдиган ва миллатни камситадиган шароитларидан қутулдик, бу озодликни онгимизга жойладик ва энди давлат тили масаласи билан назариёт даражасида шуғулланайлик, унинг ҳозирги замон мураккаб шароитларидаги ўрни ва вазифаларини назарий жиҳатдан тоблайлик.

Гап шундаки, мустақиллик тилимизга тўла эркинлик бериб қўйди. Шу асосда орамизда унга нисбатан бепарволик ва баъзан бефарқлик кайфиятлари пайдо бўлмоқда. Ваҳоланки, жаҳон бўйлаб ижтимоий жараёнлар тезлашгани сари тиллараро рақобат шаклланиб, аста кескинлашиб бормоқда, рақобатда «енгилган» ўнлаб-юзлаб миллий тиллар жамият тараққиётининг шоҳ йўлидан уватига чиқиб қолмоқдалар.

Ўзбек тили бозор муносабатлари ривожланган сари тиллар рақобати оламига кириб бориши муқаррардир. Шу рақобат курашида давлат тилимиз ўз ўрни ва аҳамиятини сақлаб қолибгина эмас, балки мустаҳкамлаши лозимлигини илмий ва назарий жиҳатдан асослаш вазифаси олдимизда турибди.

Маълумки, тил назарияси XIX асрнинг биринчи ярмидан бошлаб илмий-тарихий асосда ёритилиб келинмоқда. Ўзбекистон олий ўқув юртларида тил назарияси давлат дастури асосида ўқитилади. Лекин бу маърузалар ёшларни умуман тил назарияси билан таништиради, давлат тили масаласида эса умумий маълумотлар билан

(Давоми 2-бетда)

«ВАТАН – У МЕНИНГ ЖОНИ-ТАНИМ-САЖДАГОҲИМДИР»

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ КОНФЕРЕНЦИЯСИДА

Миллий истиқлол жараёни энди ўсиб, миллий тикланиш босқичига ўтмоғи лозим. Миллий тикланиш – миллатнинг ўзини англаши, миллий тафаккурга кенг йўл очиш, Ватаннинг асл моҳиятини ҳар томонлама шакллантириш, бутун инсоният эъзозлаган қадриятлар асосида миллий камолот йўлини белгилаш, кучли демократик давлат қуришда ҳам жаҳон тажрибалари ҳам миллий-анъанавий омилларни қўллаш, ва айниқса, ҳозирги замон шароитида ўта муҳим бўлган миллатнинг илмий-техникавий салоҳиятини юксалтириш заминида фаровон ва озод истиқболни яратишдир.

ЎЗБЕКИСТОН «МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ» ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ДАСТУРИДАН

Яқинда Муқимий номидаги Мусиқали драма театри биносида Ўзбекистон Миллий Тикланиш Демократик партияси Тошкент вилоят Кенгашининг конференцияси бўлиб ўтди. Унда вилоятнинг 21 та шаҳар ва туман кенгашларидан 400дан ортиқ делегат иштирок этди.

Конференция аввалида республикамиз мадҳияси янгради. Шундан сўнг йиғилишни ЎзМТДП Тошкент вилоят Кенгаши раиси, Олий Мажлис депутати Шарифа Салимова очиб берди ва бошқарди. Конференция аввалида кун тартибидаги биринчи масала юзасидан Ш.Салимованинг ЎзМТДП Тошкент вилоят Кенгаши фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи тингланди.

– Бундан ўн уч йил муқаддам XX аср тарихида қутлуғ ва буюк бурилиш бўлган, узоқ йиллар мобайнида мустамлакачилик сиёсати ва зулми асорати сақлаб келинган Ватанимиз мустақиллигининг қўлга киритилиши халқимиз юрагидаги асрий армонлар ушалиши, орзу-умидлар рўёби учун улуғ имконият эшигини очиб берди, – деди маърузачи ҳисобот аввалида. – Ватан ҳурриятини кута-кута, унга етолмай, бу дунёдан ҳасрат ва хўрлик ила кўз юмган улуғларимиз – ўз қайғулари ва орзуларини юрак қони билан битган юртнинг асл ўғлонлари Абдурауф Фитрат: «Ватан – у менинг жону таним, саждагоҳимдир. У менинг тўлин ойим, тинч – омонлигим, иззатим, шарафим. Каъбам, қиблам ҳамда гулистонимдур... Юртим, Туроним, сендан айрилмоқ – менинг ўлимим. Сенинг учун ўлмоқ – менинг тириклигимдур» деб ёзганида, Абдулла Қодирий: «Темур Кўрагон каби доҳийларнинг, Мирзо Бобур каби фотиҳларнинг, Форобий, Улуғбек ва Абу али Ибн Сино каби олимларнинг ўсиб – унган ва нашъу намо қилганлари бир ўлкани ҳалокат чуқурига қараб судираётган,албатта, Тангрининг қаҳрига сазовордир» деб ёзганида бугун сиз ва биз яшаб турган саодатли кунларни орзулаган эдилар. Муҳтарам Президентимиз: «Озодлик деганда, биз, аввало неча-неча аждодларимиз шунга интилиб яшаганлигини, озодлик ҳисси асрлар мобайнида улар ҳаётининг мазмун-моҳиятини белгилаб келганлигини унутмаслигимиз лозим. Жалолиддин Мангуберди каби боҳодирларни шундай юксакликка кўтарган ҳам унинг Ватан озодлиги учун фидойилиги, Чингизхонга қарши ўн йиллар мобайнида мардона курашганлигидир.

Юртимиз неча бор таланган, босқинчилар неча бор Самарқанду Бухоро каби қадим шаҳарларимизни ёқиб юборган. Неча бор бу миллат қирғин қилинган. Лекин барибир озодлик деб яна кўтарилган. Миллатнинг фидойи ўғлонлари озодлик деб ҳаётнинг юзини кўрмай ўтиб кетганлар» деб ёзганларида нақадар ҳақли эдилар.

1995 йилнинг 3 июнида ташкил топган Ўзбекистон Миллий Тикланиш Демократик партияси мустақил миллий давлатчиликни оёққа қўйиш, ноёб маъна-

(Давоми 2-бетда)

УЧРАШУВЛАР, МУЛОҚОТЛАР

Ўзбекистон Миллий матбуот маркази мажлислар залида.

ЎзМТДП Марказий кенгашининг пленуми бўлиб ўтди. Унда сайловларга тайёргарликнинг бориши партиянинг III-қурултойи кун тартиби ҳамда Пленум ЎзМТДП Марказий Кенгаши раиси И. Ғафуровнинг бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан ўз лавозимидан озод қилиш ҳақидаги илтимосини кўриб чикди. Хуршид Набиевич Дўстмуҳамедов ЎзМТДП Марказий кенгаши раиси этиб сайланди. И. Ғафуров партиянинг идеология ишлари бўйича котиби этиб сайланди. Пленумда кўриб чиқилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси сайловида ЎзМТДП иштирок этишини қўллаб-қувватловчи тўлдирилган имзо варақаларини тўплаш ишлари ниҳоясига етди. ЎзМТДП Марказий Кенгаши мазкур хужжатларни Марказий сайлов комиссиясига тақдим этиш учун тайёрлаш ишларини якунлади.

* * *

Жойларда вилоятлар Кенгашларининг сайловолди конференцияларини ўтказиш ниҳоясига етай деб қолди. Кейинги бир ҳафта ичида Қорақалпоғистон Республикаси Марказий Кенгаши, Хоразм, Наманган, Андижон вилоят Кенгашлари конференциялари бўлиб ўтди. Конференцияларда партия Қурултойига тайёргарлик, кенгаш фаолияти ҳақида ҳисобот, тафтиш комиссияси ҳисоботи, ЎзМТДПнинг сайловолди ҳаракат Дастури лойиҳаси муҳокамаси ва амалдаги Низомига доир таклифлар, мазкур Кенгашлардан Олий Мажлиснинг қонунчилик палатасига номзодлар рўйхатини партия Қурултойига тақдим қилиш ва бошқа ташкилий масалалар кўриб чиқилди. Кун тартибидаги барча масалалар юзасидан конференцияларда тегишли қарорлар қабул қилинди.

ЎзМТДП вилоят кенгашлари диққатига!

ЎзМТДПнинг III қурултойи Тошкент шаҳрида, 27 октябрь куни соат 10.00 да очилади. Қурултой Тошкент шаҳар Киночилар уйида бўлади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳ кўчаси 98-уй

ЎзМТДП Марказий кенгаши.

Кучли давлатдан — кучли жамият сари!

САЙЛОВ ҲУҚУҚИ

Республикамиз ўз суверенитетини қўлга киритгач ўз олдига бозор иқтисодиётига асосланган демократик давлат барпо этишни олий мақсад қилиб қўйди. Ва шу мақсад ила ёш мустақил давлатимиз олға қадам ташлай бошлади. Мамлакатда демократияни қарор топтириш бўйича жамиятни ислоҳ қилишга киришилди. Ўзбекистон Республикаси ўз миллий хусусиятдан келиб чиққани ҳолда тараққиётнинг ўзбек модули асосида ривожлана бошлади. Фуқароларни давлат бошқарувига жалб этиш учун уларнинг бундай ҳуқуқлари Конституция ва қонунлар даражасида мустаҳкамланди.

Конституциямизнинг 32-моддасига кўра «Ўзбекистон Республикаси фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Бундай иштирок этиш ўз-ўзини бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш йўли билан амалга оширилади», дейилади. Ушбу конституциявий норманинг мантиқий давоми сифатида Конституциямизнинг 117-моддасини келтириш мумкин. Унга асосан, «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эгадирлар. Ҳар бир сайловчи бир овозга эга. Овоз бериш ҳуқуқи, ўз ҳоҳиш иродасини билдириш тенглиги ва эркинлиги қонун билан кафолатланади» дейилади. Бундан ташқари фуқароларнинг сайлов ҳуқуқи яна бошқа бир қатор қонун ҳужжатлари билан кафолатланган.

Умуман фуқароларимиз бугунги кунда сайлов ҳуқуқи ҳақида қандай тушунчага эга? Афсуски, турли хил объектив ва субъектив сабабларга кўра кўплаб фуқароларимиз сайлов ҳуқуқи ҳақида жуда тор тушунчага эгадирлар.

Бугун биз ёритмоқчи бўлаётган масала ҳам айнан сайлов ҳуқуқининг мазмун моҳияти ва турлари ҳақидадир.

Хўш, сайлов ҳуқуқи деганда биз нимани тушунишимиз керак? Сайлов ҳуқуқи жуда кенг тушунча ҳисобланиб, уни бир-икки оғиз сўз билан таърифлаб бўлмайди. Сайлов ҳуқуқи конституциявий ҳуқуқнинг энг асосий институтларидан биридир. Демократияни жамиятда қарор топтириш механизми ҳам айнан сайлов ҳуқуқи орқали амалга оширилади.

Умуман сайлов ҳуқуқи атамасини икки хил маънода тушуниш мумкин, яъни объектив ва субъектив маъноларда. Объектив маънодаги сайлов ҳуқуқи бу конституциявий ҳуқуқнинг бир тармоғи бўлиб, сайлов ҳуқуқини тартибга солувчи, уни кафолатловчи ҳуқуқий нормалар йиғиндисидир. Бундай нормалар муайян давлатнинг конституциясида, алоҳида сайлов тўғрисидаги қонунларда ўз аксини топиши мумкин.

Субъектив маънодаги сайлов ҳуқуқи эса бу аниқ бир шахснинг сайловда иштирок этиш ҳуқуқидир. Одатда бундай ҳуқуққа эга бўлиш учун фуқаро олдига бир қанча шартлар қўйилади, масалан, шахснинг айнан сайлов ўтказилаётган давлат фуқароси бўлиши, ақли расолиги, муайян ёшга етганлиги ва шунга ўхшаш бошқа шартлар.

Субъектив маънодаги сайлов ҳуқуқи ҳам ўз навбатида икки турга бўлинади: актив ва пассив сайлов ҳуқуқи. Актив сайлов ҳуқуқи бу сайлаш ҳуқуқидир, яъни фуқаро томонидан у ёки бу номзодга овоз бериш ҳуқуқидир. Пассив сайлов ҳуқуқи эса сайланиш ҳуқуқидир, масалан, президентликка, парламентга ва шу кабилар. Фуқаро актив сайлов ҳуқуқига эга бўлиши мумкин, лекин пассив сайлов ҳуқуқига эга бўла олмаслиги мумкин. Масалан, 18 ёшга етган Ўзбекистон Республикасининг фуқароси парламент ёки президентлик сайловларида иштирок этиши мумкин, лекин фақат актив ҳуқуқ орқали, пассив ҳуқуқ орқали иштирок этиш учун эса қонунда белгиланган муайян шартларга жавоб бериши зарур.

Жаҳоннинг кўплаб мамлакатларида актив сайлов ҳуқуқига эга бўлиш учун фуқаро 18 ёшга тўлган бўлиши зарур. Лекин истисно ҳолатлар ҳам учраб туради, жумладан, Эрон, Бразилия, Куба давлатларида 16 ёш белгиланган, Марокашда 20 ёш, Латвияда эса 21 ёш қилиб белгиланган. Пассив сайлов ҳуқуқига эга бўлиш учун эса одатда бир оз каттароқ ёш белгиланади. Франция парламентининг қуйи палатасига сайланиш учун 23 ёшга етганлик талаб этилади, Италия парламентининг юқори палатасига эса 40 ёш талаб этилади. Бундан ташқари Италия қонунчилигига асосан фуқароларнинг актив сайлов ҳуқуққа эга бўлишлари ҳам (сайлаш ҳуқуқи) турли хил ёшлардадир. Жумладан, Италия парламентининг қуйи палатасига бўладиган сайловларда 18 ёшга тўлган фуқаролар иштирок этсалар, юқори палатасига бўладиган сайловларда эса 25 ёшга етган фуқаролар сайлаш ҳуқуқига эга бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг 18 ёшга тўлган фуқаролари сайлаш (актив) ҳуқуқига эгадир. Бу ҳуқуқ уларга Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 117-моддасида, «Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонуннинг 2-моддасида «Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролари сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонуннинг 4-моддасида ва шу каби бошқа қонун ҳужжатларида ўз аксини топган. Фақатгина конституция ва қонунларда белгиланганидек суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар, шунингдек суд ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар сайланиши мумкин эмас ва сайловларда қатнашмайдилар.

Фуқароларимизнинг сайланиш ҳуқуқини (пассив) эса қуйидагича изоҳлаш мумкин: Сайланиш ҳуқуқи сайлаш ҳуқуқидан бир оз фарқ қилади. Масалан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига депутатликка сайланиш учун фуқаро сайлов куни 25 ёшга тўлганлиги ва камида Ўзбекистон ҳудудида 5 йил муқим яшаётган бўлиши шартдир, ёки Президентликка сайланиш учун фуқаро 35 ёшга етган бўлиши, давлат тилини яхши билиши, бевосита сайловгача 10 йил камида Ўзбекистон ҳудудида муқим яшаётган бўлиши зарур ҳисобланади.

Кўриб турганимиздек бизнинг Республикамизда ҳам фуқароларнинг сайлов ҳуқуқи ўзига хосдир.

Давлатимизда бугун парламент ислоҳотлари бошлаб юборилганлигидан барчамиз хабардормиз. 2004 йилнинг 26 декабрида бўлиб ўтадиган сайловлардан кейин парламентимиз саналмиш Олий Мажлис профессионал парламент даражасига кўтарилади. Ва парламентнинг келажак истиқболида фуқароларнинг сайловларда иштирок этиши катта аҳамият касб этишини бугун ҳар бир фуқаро тушуниши лозим. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда фуқароларимизни бўлажак сайловларда ўз сайлов ҳуқуқларидан фаол фойдаланишга чақириб қоламиз.

Нодир САЛАЕВ.
ТДЮИ 3-курс талабаси.

СЎРАНГ, ЖАВОБ БЕРАМИЗ!

Сайлов бюллетенлари қайси тилда нашр этилади? Участка сайлов комиссияларига сайлов бюллетенлари ким томонидан ва қачон берилади?

Азизбек Жўраев.
Сурхондарё вилояти.

– Сайлов бюллетенлари давлат тилида, шунингдек округ сайлов комиссиясининг қарорига биноан сайлов округининг кўпчилик аҳолиси сўзлашадиган тилларда нашр этилади. Бу ҳақда «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида » ги Қонуннинг 35-моддасида ёзилган. Мазкур Қонуннинг 36-моддасига кўра, участка сайлов комиссияларига сайлов бюллетенлари округ сайлов комиссиялари томонидан сайловга камида уч кун қолганида берилади.

Марказий сайлов комиссияси ким томонидан ва қандай таркибда тузилади? Бу комиссиянинг ваколатлари ким томонидан тугалланиши мумкин?

Дилрабо СОЛИЕВА.
Жиззах вилояти

– Марказий сайлов комиссияси Олий Мажлис томонидан камида 15 нафар аъзодан иборат таркибда тузилади. Бу комиссиянинг ваколатлари Олий Мажлис томонидан тугатилиши мумкин.

« Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида »ги Қонуннинг 3-модасида бу ҳақда маълумот берилган.

«ВАТАН – У МЕНИНГ ЖОНИ-ТАНИМ-САЖДАГОҲИМДИР»

(Боши 1-бетда)

вий сиёсатнинг – миллий уйғонишнинг маҳсули сифатида дунёга келди ва олий мақсади – Миллий Тикланиш ғоясини амалга ошириш йўлида ўз ҳаракатининг асосий йўналишлари деб Миллатнинг маънавий бирлигини, Ватан (Туркистон) – ягона оила эканлигини, Кучли демократик давлат – нинг илдизи Миллий қадриятларимиз томиридан куч олиб илмий – техникавий тараққиёт ва умумжаҳоний интеграциясига эришишни ва бундай тараққиёт, албатта, замон кишиси қўлида экан – лиги, бу йўналишларнинг пировард натижаси миллий истиқбол, эканлигини белгилади.

ЎзМТДП 1999 йил 8 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига бўлган сайловда иштирок этиб, сайлов натижаларига кўра парламентда ўз фракциясини тузди. Бугунги кунда 12 депутатни ўз атрофига бирлаштирган «Миллий тикланиш» фракция аъзолари парламент қўмиталари ва комиссиялари таркибида қонунчилик фаолияти олиб борадилар.

Ўзбекистон Миллий Тикланиш Демократик партияси Тошкент вилояти Кенгаши ҳам ўтган муддат мобайнида партиянинг бош мақсадидан келиб чиқиб иш олиб борди, партия қурултойлари, пленумлари, Марказий Кенгаш қарорлари ва Кенгашнинг кўрсатма ва режаларини амалиётга татбиқ этишга вилоятдаги ўн мингдан ортиқ партиядошларимизни йўналтирди. Партия Марказий Кенгашининг 20 февралда бўлиб ўтган Пленумида тасдиқланган ва қабул қилинган иш режасига биноан сафларимиз янги аъзолар ҳисобига ортди, корхоналар, идоралар, муассасаларда, маҳаллаларда партиянинг бошланғич ташкилотлари – таянч нуқталари тузилди, жойларда меҳр – мурувват, диний – инсоний бағрикенглик ва бошқа турли инсоний йўриқларни мустаҳкамлашга хизмат қиладиган беш юздан ортиқ оммавий – тарбиявий тадбирлар ўтказилди. Бошқа партия ташкилотлари билан назарий – услубий тажрибалар алмашиш юзасидан қизғин фаолият олиб борилди.

Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, вилоят кенгашларининг сессияларида, халқаро анжуманларда қилган маърузаларидан келиб чиқадиган вазифаларни ўрганиш бўйича намуна вий иш режалари ишлаб чиқилиб, барча партия ташкилотларига юборилди. Ушбу режа асосида вилоятнинг йигирма битта туман ва шаҳарларида «Терроризмга қарши курашда миллий қадриятлар – нинг роли» деб номланган семинар – кенгашлар, ижодий кечалар, Қибрай ва Тошкент туманларида Ўзбекистон Миллий Тикланиш Демократик партияси ташкил топган кунни байрам қилиш тадбирлари ўтказилди. Халқаро болалар куни муносабати билан Паркент туман истироҳат боғида туман «Соғлом авлод» хайрия жамғармаси билан биргаликда ўтказилган тадбирда болажонларимизга 250 минг сўмлик дори – дармон мурувват ёрдамлари кўрсатилди. Республикамиз мустақиллигининг ўн уч йиллиги муносабати билан қатор туманларда байрамолди тадбирлари ташкил этилди. Ўзбекистонда бу йил «Меҳр – мурувват» йили деб эълон қилиниши муносабати билан вилоят кенгаши томонидан барча туман ва шаҳарларда учрашувлар ташкил қилиниб, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами вакилларига, кам таъминланган оилаларга, Бўстонлиқ туманидаги 125 – ақли заиф болалар мактаб – интернати тарбияланувчилари, вилоят маҳаллаларига жами бўлиб тўрт миллион сўмга яқин дори – дармон мурувват ёрдамлари кўрсатилди. Биз бу ўринда вилоят кенгаши молия хўжалик ишлари ва «Маърифатпарвар аёллар» қаноти бўйича раис ўринбосари, «Жўрабек» хусусий дорихонаси бош директори Мунирахон Қориевага алоҳида миннатдорчилигимизни билдирамиз.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон хотин – қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб – қувватлаш борасидаги қўшимча чора – тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг шу йўналишдаги қарорида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида ЎзМТДП Тошкент вилоят Кенгаши томонидан кенг кўламли чора – тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, партиянинг «Маърифатпарвар аёллар» қаноти етакчилари ва фаоллари томонидан аҳоли орасида фармон ижроси юзасидан кенг тушунтириш ишлари амалга оширилди, ҳар бир шаҳар ва туман кенгаш – лари таркибида «Аёллар қаноти» ташкил этилиб, ҳозир партиямиз сафларида фаолият кўрсатаётган аъзоларимизнинг 51 фоизидан ортиғини доно, оқила, меҳнаткаш, жамиятда ўз муносиб ўрнини топган дилбар аёлларимиз ташкил этади.

Вилоят партия Кенгаши фаолиятидаги муҳим амалий қадамлардан яна бири унинг қошида ташкил этилган матбуот маркази. Унинг ходимлари партиямизнинг жонкуяр аъзолари бўлиб, вилоят кенгаши томонидан уюштирилган амалий тадбирларни оммавий ахборот воситалари орқали аҳолига етказишда фаоллик билан иш олиб бормоқдалар.

Маълумки, Ўзбекистон Миллий Тикланиш Демократик партияси баркамол ёшларни шакллантириш соҳасида ҳам кенг кўламли ишларни амалга оширмоқда. Бу борада вилоят кенгаши «Ёшлар қаноти» етакчилари жойларда ёшлар орасида бўлиб, турли тадбирларни амалга оширмоқда.

Вилоятимиздан Олий Мажлисга ва вилоят кенгашига сайланган депутатларимиз кўпқиррали фаолият олиб бориб, ўз сайловчилари билан белгиланган тартибда учрашувлар ўтказиб, улар мурожаат этган масалалар бўйича ўзларининг амалий ёрдамларини кўрсатмоқдалар.

Маълумки, жорий йилнинг 26 декабрида Олий Мажлис ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайловлар бўлиб ўтади. 2002 йил январда бўлиб ўтган референдум якунлари асосида Конституция – мизга киритилган ўзгариш – ларга асосан, қонун чиқарувчи олий орган – Олий Мажлис икки палатали парламент тизимига ўтади. Шунингдек, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонунга ҳам қўшимча ва ўзгартишлар киритилган бўлиб, икки палатали парламент сайловини ўтказиш учун мамлакатимизда барча ҳуқуқий асослар яратилди.

Биз барчамиз – Ўзбекистон Миллий Тикланиш Демократик партияси аъзолари жуда катта сиёсий жараёнлар бўлган сайловларда фаол қатнашиб, ўз орамиздан Олий Мажлис ва халқ депутатлари вилоят кенгашига депутатликка номзод қилиб кўрсатиш учун партия ташкилотларимизнинг энг муносиб, обрўли, салоҳиятли, фидойи вакилларини танлаш бўйича бошланган ишларни ниҳоясига етказишимиз, хотин – қизларимиз орасидан ҳам кучли номзодларни танлаб олишга эришишимиз керак. Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 14 сессиясида «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси муҳокамасида юртбошимиз республикада мавжуд бешта сиёсий партиялар ишида сустлик мавжудлигини, сайловолди жараёнларига қисқа муддат қолганига қарамай, уларнинг ишида жонланиш сезилмаётганлигини куйиниб гапирган эдиларки, бу камчиликлар айни пайтда сиёсий партиялар сафларида хотин – қизларимиз сустлиги билан ҳам изоҳланади. Чунки, сайлов жараёни нафақат мавжуд бешта сиёсий партиялар, айни пайтда ҳар биримизнинг сиёсий фаоллигимизни белгилайдиган катта имтиҳондир.

Бугунга қадар Ўзбекистон Миллий Тикланиш Демократик партияси сафлари замонамизнинг илғор фикрли, зиёли фуқаролари ҳисобига кенгайиб бормоқда. Бундай сиёсий жараёнларда партия вилоят кенгаши сиёсий тузилмасининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Бироқ олдимизда турган вазифалар кўламидан келиб чиққан ҳолда Тошкент вилоят Кенгаши фаолиятини танқидий баҳолаб, миллий тикланиш жараёнлари узлуксиз эканлигини, ҳар биримиз бундай вазифалар ижроси олдида масъул эканлигимизни таъкидлаб ўтмоқчиман.

Ўзбекистон Миллий Тикланиш Демократик партияси Тошкент вилояти Кенгаши 1995 – 2004 йил 30 сентябригача бўлган даврдаги ўз фаолияти тўғрисидаги ҳисоботни тақдим этар экан, конференцияда ҳисоботни муҳокама қилиш жараёнида делегатлар томонидан Тошкент вилояти Миллий Тикланиш Демократик партияси ва унга сайланадиган органлар фаолияти – нинг самарадорлигини янада ошириш бўйича таклифлар, қўшимчалар киритилади, деган умиддамиз. Зеро, улуғ алломa Мунаввар қори Абдурашидхон ўғли айтиб кетганларидек: «Жаннат каби гўзал юртинг бугун сендан иш кутадир!»

Ҳисобот маърузаси тугагач, сўз навбати ЎзМТДП Тошкент вилоят Кенгаши назорат – тафтиш комиссияси раиси Васила Файзиевага берилди. Маърузачи кун тартибидаги иккинчи масала, яъни ЎзМТДП Тошкент вилоят Кенгаши тафтиш комиссиясининг кейинги йиллардаги иш фаолияти тўғрисида гапирди. Шундан сўнг ЎзМТДП Тошкент вилоят Кенгаши Матбуот маркази раҳбари Гулжаҳон Мардонова партиямиз етакчиларининг Тошкент вилояти ҳудудида олиб борган ишлари хусусида сўзлаб, унинг оммавий ахборот воситаларида ёритиб борилаётганлигини, бу жараёнлар эса, ўз – ўзидан зиёлилар партияси – ЎзМТДПнинг халқ ичига кириб боришида муҳим ўрин тутишини ҳам таъкидлаб ўтди.

Шу куни конференция делегатлари ЎзМТДП Сайловолди ҳаракат дастурининг янги таҳрирдаги лойиҳаси билан ҳам танишишди. Уни партия фаолларидан бири, Ўзбекистон Фанлар Академияси Микробиология институтининг биология фанлари доктори Заҳро Аҳмедова ўқиб, ўз фикр – мулоҳазаларини ҳам билдириб ўтди.

Шу ўринда эътиборингизни мазкур лойиҳадаги мақсад ва вазифаларга қаратмоқчи эдик. Кенг қамровли, ҳам маънавий – маърифий соҳаларда иш юритишни, шунингдек, эл – юрт келажаги бўлган ёшларнинг энг етук, баркамол вакилларини шакллантиришни бош мақсад деб олинганлиги ҳам миллий тикланиш ғояси йўлида нечоғли катта режалар амалга ошиши зарурлигини кўрсатиб турибди. Музокарада сўзга чиққанлар асосий диққат – эътиборни ана шу масалага қаратишди.

– Одам маънавиятсиз яшай олмайди. Кўпчилик кишилар эса, ақл билан эмас, қорин билан ўйлайди, – деб сўз бошлади Олий Мажлис депутати,ёзувчи Ўткир Ҳошимов. – Лоқайдмиз. Тош билан биллур тўқнашса, биллур синади, тошга бало ҳам урмайди. Партиянинг ҳар бир вакили ёлғон ваъдалар бермаслиги, ҳар қандай вазиятда ҳам тўғри, виждонли иш юритиши керак. Тўғрисини айтганда, бугунгидек ҳамфикрлар йиғинларида айтилган гапларнинг амалга ошишида барчамиз бирдек масъулмиз.

ЎзМТДП Тошкент вилоят Кенгаши раиси ўринбосари, Тошкент Давлат Иқтисодиёт университети «Маркетинг» кафедраси доценти Шахноза Эргашхўжаева эса, партия дастурида иқтисодиёт соҳасига алоҳида эътибор берилганлиги, кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорлик фаолияти орқали аҳолининг иш билан таъминланиши муаммолари ҳал этилиши ҳақида гапирди.

– Мақсадларимизни сайловчиларга тушунарли қилиб етказишга кўпроқ эътибор берайлик, – деди ЎзМТДП Тошкент вилоят Пискент туман Кенгаши раиси Абдунаби Сидиқов. – Сайлов дастурининг айрим ўринларини кўриб чиқиш керак, бу менинг шахсий фикрим. Ҳозир чет элга бориб, бойиб келишни ўйлайдиганлар кўп. Мамлакатимиз пахта толасини сотиш бўйича биринчи ўринда туради. Шундай экан, ўзимизда пахтани қайта ишлашни кенгайтириш зарур. Голландияда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари иссиқхоналарда етиштирилади. Голланд помидорларини Уралда ўзбек помидори деб сотишганини эшитганман. Бир ўйлаб кўринг, қуёшли Ўзбекистон тупроғи боғ – роғлар, сабзавот, полиз экинларигача тўкин бўлса. Партиямиз қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ана шундай масалаларни ҳам эътиборга олиши керак.

Музокараларда ЎзМТДП Тошкент вилоят Кенгаши Молия – хўжалик ишлари ва «Маърифатпарвар аёллар» қаноти бўйича раис ўринбосари, «Жўрабек» қўшма корхонаси бош директори Мунира Қориева ҳам сўз олиб, фармацевтика соҳасига ҳам эътибор берилишини таклиф қилди. Дорилар ишлаб чиқариш лишини ҳам ўзимизда ташкил қилинса, ишчи ўринлари яратилиши мумкинлигини ҳам айтиб ўтди.

Шундан сўнг Республика хотин – қизлар қўмитаси раиси ўринбосари Гулнора Маърупова сўзга чиқиб, партия етакчиларининг кўпчилиги аёллар экани, жойларда хотин – қизлар муаммоларининг ҳал этилишида бунинг ҳам аҳамияти борлигини таъкидлади.

ЎзМТДП Тошкент вилоят Кенгаши аъзолари, партиянинг вилоят Кенгаши назорат – тафтиш комиссиясининг янги таркиби, шунингдек, вилоят Кенгашидан партия қурултойига делегатлар ҳам сайлаб олинди.

Конференция сўнгида сўзга чиққан Олий Мажлис депутати Иброҳим Ғофуров сайловолди режаларни амалга ошириш йўлида конференция делегатларига шижоат ва эътибор билан ишлаш зарурлигини айтиб ўтди.

Тадбир сўнгида бир гуруҳ партия фаолларига ЎзМТДП Тошкент вилоят Кенгашининг совғалари берилди. Партиямиз сафига қўшилган бир гуруҳ ёшларга партия гувоҳномалари топширилди.

Зумрад ВАҲОБОВА,
Гулбаҳор ОРТИҚХЎЖАЕВА,
«Миллий тикланиш» мухбирлари.

ДАВЛАТИМ ТИЛИ

(Боши 1-бетда)

чекланилади. Бунинг сабаби давлат тили назариясининг суст ишланганлигидадир. Ҳар бир муайян давлат тилига нисбатан бу назария ишланмаган, масалани тадқиқ этиш ҳам тилшунослик фанининг диққат доираси марказидан четда қолиб келган ва келмоқда.

Шу боис давлат тили ўзи нима деган саволга ҳануз барча қабул қилган жавоб йўқ, унинг ҳамма қабул қилган ягона таърифи ҳам йўқ. Баъзиларнинг фикрича, давлат тили — шу мамлакат аҳолисининг кўпчилигини ташкил қилган миллатнинг тилидир; бошқалар эса давлат тили шу давлатга ўз номини берган миллатнинг тили ва бунинг учун шу миллат мамлакат аҳолисининг кўпчилигини ташкил этиши шарт эмас, дейдилар бу нуқтаи назар тарафдорлари. Учинчи гуруҳ вакиллари эса юқорида айтилган иккала нуқтаи назарни инкор этиб, «давлат тили, бу — шу мамлакат олий қонун чиқарувчи органи давлат тили деб эълон қилган тил» дейдилар. Тўртинчи гуруҳ ҳам бор. Бу гуруҳдаги олимлар, давлат тили юқорида санаб ўтилган белгилар асосида эмас, балки шу давлат аҳолисининг ўзаро узоқ даврлар мулоқоти жараёнида умумий тил сифатида ажралиб чиққан тилдир, деб, ўз қарашларини асосламоқчи бўладилар. Бу нуқтаи назарларнинг ҳар бири маълум асосга эга, лекин ягона тўғри таъриф сифатида ҳеч бири қабул қилиниши мумкин эмас, чунки муайян камчиликларга эга. Шу мисоллардан кўриниб турибдики, давлат тили назарияси жиддий тадқиққа муҳтож. Қиёсий олганда, Ўзбекистонда, бизнинг фикримизча, давлат тили масаласининг нисбатан енгил ҳал этилишига сабаб юқорида санаб ўтилган омилларнинг юртимизда айни бир вақтда мавжудлигидир.

Давлат тилининг белгиланиши давлат сиёсатининг таркибий қисми бўлгани сабабли, ўз давлати, ўз юрти нуқтаи назаридан туриб бошқаларни қоралаш ёки мақташ нотўғридир, чунки истиқбод даври тил сиёсати собиқ республикаларда турли даражадаги кескинликка эга муаммоларни қолдирди. Давлат тилини мажбуран ўқитиш керакми-йўқми, фуқарони ишга расмийлаштиришда давлат тилини билишни талаб қилиш шартми-йўқми каби масалалар ҳар бир мустақилликка эришган республикада мавжуд вазиятга қараб ҳал этилмоғи тўғри бўлади.

Давлат тилини тарғиб ва ташвиқ этишда биз дуч келаётган яна бир «нозик» масала йирик миллатлар вакилларининг шу республиканинг давлат тилига кўпинча бефарқ муносабатидир. Миллатлар ва элатлар тилларига калондимоғлик билан қараш, уларни менсимаслик ўтмиш қолдирган энг оғир ва энг жирканч сарқитлардан биридир. Бу масалада «инқилобий ўзгаришлар» ясашга уриниш энг ноўрин ҳаракатлардан бири бўлур эди. Инсон онгини асрлар давомида шаклланган қарашлардан, фикр юритиш андозаларидан озод этиш энг кўп сабр-тоқатни, бағрикенгликни талаб қиладиган тадбирлардан биридир. Бу масалаларда қизиққонлик, ўта ватанпарварлик ишга путур етказиши мумкин, холос.

Юқорида қайд қилиб ўтилган фикр-мулоҳазалар асосида айтиш мумкинки, давлат тили назарияси борасида Ўзбекистон тилшуносларининг ташаббускор бўлишлари учун барча имкониятлар мавжудлиги шубҳасиздир. Фақат ташаббускорлик, фаоллик, ташкилотчилик етишмайди.

Ўзбек тилига давлат тили мақомини берилиши халқимиз онгида бутун бир инқилоб ясади, десак ортиқча гап бўлмайди. «Шу ёруғ кун келар экан-ку!» — дедик биз, ҳадиксираб ва миллатчиликда айблаш балосидан қутулганимизга бир ишониб, бир ишонмай. Секин-аста онгимизга етдики, ўзбек тили бизнинг тилимиз, бизнинг мулкимиз, бизнинг фахримиз, ўзимизни миллий бирлик сифатида англаш воситамиз, бизни асрлар қаъридаги аждодларимиз билан, Манғиту Кўнғиротдан тортиб Хўжаободу Жийдакапагача, Бўстонликдан бошлаб Бойсуну Сариосиёгача Она ерни жаннатга айлантираётган ҳамлисонларимизнинг барчасини «ўзбек халқи» деб ҳудудан ва жисмонангина эмас, балки руҳан, фикран-зикран бирлаштириб боғлаб турган афсонавий куч эканлигини кўрдик.

Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши айни вақтда жамиятимиз олдида тилимизни, руҳий-маънавий ҳаётимизни такомиллаштиришда чексиз имкониятлар очди. Энди «бу ташаббус билан чиқсак, юқоридагилар маъқуллашармикан, Марказ бу фикримизни, у билан боғлиқ конкрет таклифларимизни қандай қабул қиларкин?» деган шубҳа ва гумонсирашга ўрин қолмади. Тил — халқники ва у ҳар бир асосли таклиф ҳамда ташаббусни, ўз манфаатларини кўзлаб, тўғридан-тўғри ёки муҳокама-мубоҳасадан сўнг қабул қилади.

Шундай экан, янги таклифларни қабул қилиб олиб, уларга маълум бир ишлов бергандан сўнг, жамоатчилик муҳокамасига қўядиган, охир-оқибатда эса ҳар бир таклифга жон бахш этиб, тилимизнинг бойлигига яна қўшимча киритадиган, унинг сайқал топишига хизмат қиладиган ташкилотчи, ташаббускор ягона илмий муассаса йўқлиги кишини таажжублантиради. Бу борада чексиз имкониятлар мавжуд. Аммо Ўзбекистонда шу ташкилотчилик ишларини олиб борадиган қандайдир идорами, ташкилотми, бирлашмами борми? Нима учун бу борада иш олиб боришга мўлжаллаб тузилган ташкилотлар сусткашлик қиладилар, уларнинг овозини биз эшитмаймиз, кишида тилимизга тегишли янги фикр ҳамда иштиёқ уйғотадиган мурожаат сўзи ёки илиқ илҳомлантирувчи саси бизга етиб келмайди?! Бир йил муқаддам худди шу саволни шоир ва йирик жамоат арбоби Эркин Воҳидов қўйган эди.

Менимча, бу соҳада очилмаган қўриқлар бор, десак бўлади. Булар, биринчи навбатда, вилоят, туман ва қишлоқ мактабларида дарс бераётган, ўзининг умрини халқ оммасига билим олиб киришга бағишлаб келаётган ва ўзининг бебаҳо хизматини камтарона оддий меҳнат деб санаган она тили ва адабиёт ўқитувчиларидир. Улар жонли халқ тили муҳитида яшайдилар, халқ тилнинг ижодчиси эканлигини кунда кўрадилар ва шу ижодий жараённинг шоҳидилар. Фикримизча, Ўзбекистон Фанлар академияси Тил ва адабиёт институти уларга мурожаат қилмоғи керак, институтда уларнинг узоқ-узоқ қишлоқ ва туманлардан келган ана шу мавзудаги хатлари билан ишлайдиган махсус бўлим бўлмоғи даркор. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», «Маърифат» ва шу каби рўзномалар ўз саҳифаларида қишлоқдаги ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчилари учун жажжи минбарлар ташкил қилсалар, газетхонлар фақат ташаккур айтишлари мумкин.

Мустақиллик йилларида тилимизнинг бойиши тезлашиши натижасида ёшларимизнинг маълум қисми тил тараққиётидан орқада қола бошлади. «Мозий», «гўша», «назл» каби ўнлаб «янги сўзлар»ни тушунмайдиган «янги ёшлар» орамизда учраб туради. Нима учун газеталар саҳифаларида ўзига хос кичик-кичик луғатлар бериб бориш мумкин эмас?!

Бундай мисолларни минглаб келтириш мумкин, Давлатимиз тили билан шуғулланадиган ва бунинг учун Ўзбекистон ҳукумати томонидан берилган кенг ваколатга эга ҳамда тажрибали жонкуяр ташкилотчи бошчилигида фаолият кўрсатадиган, бутун мамлакат миқёсида давлат ва халқ манфаатларидан келиб чиқиб, бу соҳадаги барча ишларни ўз қўлида марказлаштирадиган нуфузли идора яратилиши лозим. Ҳозирча бу борада ўзибўларчилик, беҳафсалачилик кайфиятлари кўп жиҳатдан устун келмоқда, десак ҳақиқатдан узоқ бўлмаймиз. Бу вазифани бажариш учун етарли илм ва тажрибага эга кадрларимиз кам эмас. Фақат уларни ташкил қила билиш, уларга конкрет вазифалар юклаш ва моддий жиҳатдан рағбатлантириш асосида маҳсулот талаб қилиш — жамиятимиз тараққиётига нақд амалий ҳисса қўшишдан бошқа нарса эмас.

Ўзбек тилининг изоҳли луғати қачон тайёр бўлади?

Ҳар бир тил мисли бир денгиз. Унинг бу қирғоғидан нариги қирғоғи кўринмайди. Унга қанчалаб дарёлар, ирмоқлар, ариқлар, ўзанлар ўз сувини олиб келиб қўшади. Бу денгиз шундай улкан манбаки, унинг чексиз имкониятларидан фойдаланиб, инсон фаолиятининг ҳар бир соҳаси вакиллари ўз фаолият йўналишларининг атамалар тизимини, иборалар ва сўз бирикмалари системасини яратадилар.

Табиийки, ҳар бир инсон ўзи яшаб турган жойнинг тили билан чекланмайди, ўзи шуғулланадиган соҳа атама-терминлари билан чекланишни истамайди. У ўз олдида қалқиб турган денгизни кўз олдига бутунлигича келтирмоқчи ва унинг барча бойликлари ҳамда имкониятларидан баҳоли қудрат фойдаланмоқчи.

Бундай улуғвор ва олийжаноб мақсадга инсон ўз миллий тилининг Изоҳли луғати орқали эришади.

Миллий тилнинг Изоҳли луғати — инсоният эришган энг йирик кашфиётлардан биридир. Изоҳли луғат — ушбу тилда мавжуд барча сўзларни алифбо тартибида рўйхат қилиб чиқиб, ҳар бир сўз нима маънони англатади, қандай матнда унинг маъноси қандай ва қайси томон ўзгаради, бу сўз қайси тилдан ёки шевадан олинганлигини аниқлаб, шу тарзда ҳар бир сўзни изоҳлаб тушунтириб берувчи луғатдир. Ҳар бир тилнинг Изоҳли луғатига қараб, у тил қанчалик даражада бой ва илмий жиҳатдан ишланганлигини аниқлаш мумкин.

Изоҳли луғатни тайёрлаш ва чоп этиш кўп йиллик изчил ва синчков меҳнатнинг натижасидир. Муайян тилдаги сўзларни йиғиш ва алифбо асосида тартибга солиш — ишнинг биринчи, оддий, яъни мажозан айтганда, арифметик қисмидир. Йиғиб умумлаштирилган сўзлар мажмуини изоҳли луғат деб атаб бўлмайди. Йиғилган сўзлар мажмуи — Изоҳли луғатнинг ҳашаматли биноси учун тўпланган қурилиш материалларидир, холос. Изоҳли луғат биносини қурмоқ учун йиғилган ҳар бир сўзга бадиий, илмий-оммабоп, халқ оғзаки ижоди ва бошқа манбалардан келтирилган мисоллар керак. Яъни, Изоҳли луғатга киритилган ҳар бир сўзнинг мазмуни ва маъноси йиғувчининг ички, субъектив фикри ва тушуниши асосида эмас, балки ёзма адабиётда ёки халқ оғзаки ижодиётидан олинган мисоллар орқали умумхалқ сўзи эканлиги исботланиши керак.

Ана шу боис ҳар бир тилнинг Изоҳли луғатини тайёрлаш ва нашр этиш миллат ҳаётида бутун бир тарихий даврни ташкил этади. Бу мисолларни йиғиш ва тартибга солиш ҳамда бойитиш — энг азоб-уқубатли, ҳар бир луғатчидан сабр-тоқат, синчковлик ва изчилликни талаб қиладиган заҳматдир. Изоҳли луғат пойдевори ва негизи бўлмиш шу тилнинг Сўзлар картотекаси устида ишлар экансиз, «Илму фан билан шуғулланиш — игна билан қудуқ қазишдир» деган халқ иборасининг нақадар чуқур маъно ва мазмунга эга эканлигига ишонч ҳосил қиласиз.

Ҳар бир сўзда халқнинг даҳоси, фикри-зикри, борлиқни таҳлил қилиш қобилияти, унинг менталитети ўз ифодасини топади. Халқ асрлар давомида яратган, сайқал берган, маъно чегараларини ва чуқурлигини, унинг қаватқават қатламларини белгилаган минг-минглаб сўзларни Изоҳли луғат тузаётган илмий жамоа бир неча йил давомида тартибга солиб, юзага чиқариши ва китобхонга топшириши талаб қилинади. Шу боис ҳам, «ўзингни ҳар бир сўзнинг тўла маъносини билиш мақсадида чексиз ички кечинмалар, ўйлар, шубҳа ва иккиланишлар гирдобида қолдиришни истасанг, луғатчи бўл» дейдилар.

Ўзбек халқининг бахти шундан иборатки, халқимиз қаърида ана шундай оғир меҳнат ва улкан масъулиятни ўз бўйнига оладиган тадқиқотчилар ва луғатшунослар бор. Уларнинг ташаббуси, ғайрати, ўз вазифасига масъулият билан қараши, уюшқоқлиги натижасида Ўзбекистон Фанлар академияси Тил ва адабиёт институтида ўтган асрнинг 50-йилларида бошланган тарихий иш ўттиз йилдан сўнг икки жилдли «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»ни чоп этиш билан ўз ниҳоясига етди.

Луғатнинг чоп этилиши ўзбек миллати маданий ва маънавий ҳаётида катта ижобий воқеа бўлди. Ўзбек тилининг тарихида биринчи марта шундай асар юзага келтирилди. Бу тўғрида сўзлар эканмиз, луғат устида кеча демай, кундуз демай, ёз демай, қиш демай, иссиқ демай, совуқ демай ўттиз йил ишлаган олижаноб инсонларни эслайлик. Булар биринчи навбатда Изоҳли луғат секторининг раҳбари Зокир Маъруф, унинг атрофида жипслашиб иш олиб борган Саидфозил Акобиров, уларнинг ёндошлари Азим Ҳожиев, Собиржон Иброҳимов, Насим Маматов, А. Хўжахонов, Гелий Николаев, Тешабой Аликулов ва бошқалардир. Луғат матнини узил-кесил таҳрир қилишда профессорлар Фаттоҳ Абдуллаев, Ҳоди Зариф, Шоназар Шоабдураҳмонов, Олим Усмон ва ўнлаб бошқа жонкуярлар қатнашганлар. Уларнинг ҳар бири алоҳида ҳиссага сазовор.

Ўзбек тилининг икки жилдли Изоҳли луғати ўз даврининг кўзгуси ва маҳсули эди. Луғат сўзлигини тузишда «синфий тамойил»га риоя қилинди: минглаб сўзлар «эскирган», «дин ва бидъат сўзи», «диний сўз» деган турли баҳоналар билан сўзликка киритилмади. Кўплаб русча — интернационал сўзларга ўзбекча маънодошларимиз берилди. Натижада ўзбек тили имкониятлари луғатда тўла очиб берилмади. Оқибат натижада икки жилдда ҳаммаси бўлиб олтмиш мингдан ортиқроқ сўз ўрин олди, холос. Албатта, бу катта ютуқ эди. Лекин бу луғат хамир учидан патир эди, холос. Луғатга кўпроқ Европа тилларида босилиб чиққан изоҳли луғатлар намуна сифатида қабул қилиб олинди. Шу боис ўзбек тилига тегишли ва унинг ўзига хослигини кўрсатадиган минглаб сўзлар луғатдан четда қолди. Масалан, ўзбек халқининг кундалик амалий ҳаётида жиддий аҳамиятга эга «бағрикенглик» каби сўзларга сохта тушунилган интернационалчилик сабабли луғатдан жой ажратилмади. Ҳолбуки, мустақилликни мустаҳкамлашда ва жамиятимизда барқарорликни таъмин этишда бу каби тушунчалар муҳим аҳамиятга эга эканлиги маълум бўлди.

Маълумки, ҳозирги пайтда Ўзбекистон Фанлар академияси бошчилигида Ўзбек тилининг тўрт жилдли Изоҳли луғати устида иш олиб борилмоқда. Афсуски, иш суръати ниҳоятда паст: Изоҳли луғат жамоаси моддий ва маънавий жиҳатдан етарли даражада қўллаб-қувватланмаганлиги туфайли етакчи ва тажрибали луғатшунослар бошқа ўқув юртлари ва илмий марказларга кетиб қолдилар. Тўрт жилдли Изоҳли луғат тузмоқ учун биринчи навбатда унинг пойдевори бўлмиш Изоҳли луғат сўзлиги картотекасини жиддий равишда тўлдирмоқ лозим. Ҳозирги пайтда институтдаги мавжуд картотекада бор-йўғи бир ярим миллион атрофида карточкалар бор. Ҳолбуки, Изоҳли луғат тайёрлашга жиддий ёндашиш учун картотекалар фонди ўн баробар кўпайтирилиб, карточкалар сони ўн беш миллионга етказилиши лозим. Изоҳли луғат бўлимида ишлаётганларнинг бу мавзудаги орзу-доддлари Фанлар академияси доирасидан четга чиқмаяпти.

Ишни жонлантириш учун «Изоҳли луғат» ижтимоий жамғармаси тузмоқ зарур, деб биламиз. Жамғарманинг вилоятлардаги, ижтимоий фанлар ўқув юртларидаги, турли илмий бирлашма ва тадқиқот марказларидаги филиаллари хайрия йўли билан маблағ, турли адабиёт ҳамда қўшимча манбаларни йиғиб, «Изоҳли луғат» жамғармаси эҳтиётига ўтказиш қоидасини ўрнатиш лозим. Бу ишга бутун жамоатчиликнинг диққат-эътибори қаратилмоғи керак. Тўла ишонч билан айтиш мумкинки, ўзбек халқининг минглаб фарзандлари бу олижаноб ишга ўз ҳиссаларини қўшадилар ва шу йўсин аста-секин Изоҳли луғатни тайёрлаш иши умуммиллий тадбирлардан бирига айланажак.

Иккинчидан, ўзбек тили Изоҳли луғатининг Ўзбекистон ҳаётидаги аҳамиятини, унинг ўзбек миллатининг янада жипслашишидаги беқиёс салмоғини инобатга олиб, Фанлар академияси раҳбарияти республика ҳукумати олдида Изоҳли луғат илмий жамоасига бевосита моддий ва ташкилий кўмак кўрсатиш масаласини қўйиши керак. Учинчидан, республика газета ва журналларида «Изоҳли луғат бурчағи» ташкил қилиб унда шу мавзуга тегишли ахборотлар, хатлар ва таклифларни ёритиб бориш мақсадга мувофиқ бўлади.

«Ўзбек тили изоҳли луғати»ни умуммиллий тадбир даражасига кўтарсаккина, миллий тилимиз ҳақиқий бойлигини юзага чиқариб, миллатимизни улуғлашнинг самарали воситасига эга бўламиз. Маълумки, рус тилининг 17 жилдли Изоҳли луғатига 129 минг сўз киритилган, грузин тилининг 8 жилдли Изоҳли луғати 109 минг сўзни қамраб олган ва ҳоказо. Ўзбек тилига келсак, имонимиз комилки, юқорида қайд этиб ўтилган омиллар инобатга олинса, миллатимиз Изоҳли луғатида энг камида бир юз йигирма минг сўзнинг изоҳи берилади, яъни 1983 йилда чоп этилган икки жилдли Изоҳли луғатдан янги луғат икки баравар катта бўлади.

Кўчқор ХОНАЗАРОВ,
филология фанлари доктори,
профессор.
(Давоми кейинги сонда.)

«ПАХТА БАНК» ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИ

АТ «Пахта банк» Бухоро вилоятида амалга оширилаётган ибратли ишларга бир назар

Агар биз мамлакатни бир бутун тана деб билсак, табиийки, банклар ўша тананинг қон томирлари ҳисобланади.

«Пахта банк» ўзининг барқарорлиги ва универсаллигини амалда тасдиқлаган, мавжуд капитал маблағлар активлари ҳажми, молиявий операция доирасига кўра, Республикамиздаги асосий банклардан ҳисобланади.

Банкнинг йирик бўлимларидан бири бўлган Бухоро вилоят бошқармаси ҳам кейинги вақтларда ўзининг капитал маблағлар базасини анча кенгайтириб, асосий эътиборни корхоналарга ва аҳолининг бўш маблағларини жалб этиш асосида иқтисодиётнинг аниқ тармоқларини кредитлашни рағбатлантиришга қаратмоқда.

Бошқарма бугунги кунда 7947 тадан ортиқ юридик ва жисмоний шахсларга банк хизматларини кўрсатиб келмоқда. Шулардан 6140 тасини кичик ва ўрта бизнес субъектлари , қолган 3398 тага яқинини фермер ва деҳқон хўжаликлари ташкил қилади. Кичик бизнес субъектларини молиявий қўллаб–қувватлашга ажратилаётган кредитлар миқдори ҳам йилдан–йилга ошиб бормоқда. Ўтган йилнинг тўққиз ойи давомида 1 миллиард 234,9 миллион сўм миқдорида кредитлар ажратилган бўлса, бу кўрсаткич жорий йилга келиб 1 миллион 482,9 миллион сўмни ташкил қилди. Ушбу кредитларни 89 фоизи ўрта ва узоқ муддатларга ва 11 фоизи қисқа муддатларга ажратилган бўлиб, бу кредитлар эвазига жойларда 574 та янги ишчи ўринлари яратилди ҳамда 3 миллион 496 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Бундан ташқари банк ўз мижозларини имтиёзли фоиз ставкаларида кредитлар билан таъминлаш мақсадида бюджетдан ташқари жамғармалар билан яқин алоқада иш олиб бормоқда. 2004 йилнинг 9 ойида бюджетдан ташқари жамғармалар кредит линиялари ҳисобидан 2 миллион 643 минг сўм миқдорида кредитлар ажратилди. Шунингдек, бугунги кунда кичик бизнесни ривожлантириш мамлакат иқтисодиётини юксалтирибгина қолмасдан, оила фаровонлигини таъминлашда ҳам муҳим аҳамият касб этади. Оила фаровонлигининг манбаи бозор муносабатлари шароитида тубдан ўзгарди. Чунки, аввалари оила даромади асосан иш ҳақидан таркиб топган бўлса, эндиликда бу манбани бозор иқтисодиёти билан кенгайтириш имконияти бор. Шу туфайли ҳар бир оила энди кичик бизнесга асосланган оилавий тадбиркорлик билан шуғулланиши лозимлигини ҳаёт тақозо қилмоқда. Оилавий тадбиркорлик субъектларини қўллаб–қувватлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг Адлия Вазирлигидан 2002 йилнинг 3 июнида 1146–рақам билан давлат рўйхатидан ўтган Низомга асосан банк 84 та оилавий тадбиркорлик субъектларига 67 миллион 300 минг сўм миқдорида микрокредитлар ажратилди. Кичик бизнес субъектларининг ўз фаолиятларини бошлашда бошланғич сармоя муаммоси тўсиқ бўлиб келарди. Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йилнинг 10 сентябридаги 366–сонли «Кичик корхоналар, деҳқон ва фермер хўжаликларини маблағ билан таъминлаш, моддий-техник таъминлаш, уларга божхона имтиёзини бериш, банк хизматини кўрсатиш бўйича қўшимча чора–тадбирлар тўғрисида»ги Қарорининг қабул қилиниши ушбу муаммони ҳал қилиш имкониятини берди. Бу қарорда акс эттирилган микрофирмалар ва кичик корхоналар деҳқон ва фермер хўжаликларининг дастлабки сармоясини шакллантириш мақсадида «Бизнес фонд» жамғармаси маблағлари ҳисобидан жорий йилнинг 1 октябр ҳолатига ажратилган кредитлар 10 миллион сўмни ташкил этади. Шунингдек, қишлоқда ҳақиқий мулкдорлар синфини вужудга келтириш, қишлоқ хўжалигини замонавий техника, товар моддий бойликлар билан таъминлаш механизмини янада такомиллаштириш, тармоқнинг экспорт салоҳиятини юксалтириш тараққиёт омили ҳасобланган. Фермерликни ривожлантириш, уларни молиявий жиҳатдан қўллаб–қувватлаш бугунги кунда долзарб аҳамиятга эга. Ушбу масалаларнинг ҳар томонлама муваффақиятли ҳал этилиши бутун банк тизими ва биринчи навбатда «Пахта банк» хизматига бевосита боғлиқдир. «Пахта банк» аграр соҳадаги ислоҳотларни жадаллаштириш ва чуқурлаштиришнинг молиявий воситачиси бўлиб хизмат қилмоқда. Бевосита деҳқон ва фермер хўжаликларини молиявий жиҳатдан қўллаб–қувватлашда банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан 803 миллион 800 минг сўм кредитлар ажратилган ёки бу кўрсаткич жами берилган кредитларнинг 54,2 фоизи ни ташкил қилади. Жумладан, банкнинг Ғиждувон бўлими «Асрор–98» фермер хўжалиги билан ўтган йили кредит шартномаси тузиб, 3 йил муддатга кредит ресурслар ҳисобидан 20 миллион сўм кредит ажратган эди. Ушбу маблағни хўжалик темир–бетон маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи асбоб–ускуналар сотиб олиш учун сарф этди. Натижада, аҳоли ва корхоналарнинг бетон маҳсулотларига бўлган талабини ҳозирда тўла қондириб келмоқда. «Пахта банк»нинг Гала–осиё бўлимида тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва қўллаб–қувватлаш борасида талай ишлар ташкил этилган. Республикамиз Президенти Фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг Қарорларига асосан тадбиркорларнинг манфаати, ҳуқуқлари, фаолият эркинлигининг кафолатлари, бурч ва мажбуриятлари, тадбиркорлик субъетларининг хом–ашё, товарлар ва хизматлар бозорларига эркин кириш кафолатлари, ахборот олиш эркинлиги ушбу фаолият орқали етарлича имкониятлар яратилган.

«Қумробод» фермер хўжалигига банк 2003 йилда 50 миллион сўм миқдорида икки ярим йил муддатга, йиллик ўн беш фоиз устама билан, қишлоқ хўжалиги техникалари ва чорва моллари сотиб олиш мақсадида, банкнинг имтиёзли кредитлаш фонди ҳисобидан ўрта муддатли кредит ажратган эди. Ушбу кредит ҳисобидан шу йилнинг апрел ойида 16 миллион сўмга «Т–4» русумли, 13 миллион сўмига «ТТЗ–100» русумли ишлов тракторлари хамда 1 миллион 257 минг сўмга КПН, чизел ва керакли эҳтиёт қисмлар сотиб олди. Хўжалик кредитдан мақсадли фойдаланиб, ҳисобланган фоизларни ўз муддатларида тўлаб келмоқда. Ҳозирга келиб хўжаликда 21 та янги ишчи ўринлари яратилган. Яна 30 та ишчини иш билан таъминлаш режалаштирилаяпти. Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича Республика мувофиқлаштирувчи Кенгашининг истиқболли режаси (параметр) жойларга етказилиб, тадбиркорларга кредит беришда алоҳида эътибор, ишлаб чиқаришга йўналтирилган лойиҳаларни молиялаштиришга қаратилиши белгилаб берилган ва истиқболи режалар ошиғи билан бажарилишига эришилмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 10 августидаги 380–сонли, Бухоро вилоят ҳокимининг 2004 йил 20 августида 99–сонли қарорига асосан АТ «Пахта банк» Бухоро вилоят бошқармаси ҳам ўзининг чора–тадбирларини кўриб чиқди. Бунда ҳар бир пахта етиштирувчи ширкат ва фермер хўжаликларига ҳар беш кунлик пахта пулларини ўз вақтида етказиб бериш бўйича алоҳида банк ходимларидан жавобгар шахс буйруқ асосида бириктирилди.

Ҳа, бу йил вилоят пахтакорларининг меҳнатлари эвазига далаларда ҳосил мўл. Бу ғалвир сувдан кўтарилаётган шу кеча–кундузда янада тўлиқ намоён бўлмоқда. Банкнинг асосий мижозлари деҳқонлар ҳисобланади. Деҳқоннинг ютуғи ўз–ўзидан банкнинг ютуғи. Бошқарманинг масъулияти ҳар қачонгидан кўра йиғим–терим пайтида ошади. Ҳозирда пахтазорларда 100 минглаб теримчилар ва ҳашарчилар меҳнат қилмоқда. Терилган пахта учун ҳар беш кунда тўғридан–тўғри шийпонларда ҳақ тўланмоқда. Бу ҳолат, айниқса, фермерларнинг оғирини енгил қилди. Улар ҳеч қандай овворагарчиликсиз илгаригидай туман марказларига қатнамасдан лозим бўлган пул маблағларини шаҳобчалар орқали бемалол олишмоқда. Биз АТ «Пахта банк»нинг Бухоро вилоят бошқармаси бошлиғи Р.Ғафуров билан суҳбатлашар эканмиз бугун «Пахта банк» Бухоролик деҳқонларнинг оғирини енгил қилаётганига тўлиқ ишонч ҳосил қилдик.

Муҳаммадсиддиқ РАҲМАТОВ, «Миллий тикланиш» муҳбири

РЕЖАЛАР БИСЁР

Мабодо кўҳна ва навқирон Бухорои Шарифга йўлингиз тушгудай бўлса, замонавий услубда қурилган муҳташам бино– «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг Бухоро минтақавий филиали эътиборингизни тортиши аниқ. Мазкур филиал бугунги кунда республикамизнинг ички бозорини халқ истеъмоли моллари билан тўлдириш мақсадида талай ибратли ишларни амалга ошириб келмоқда. Ҳозирда банк 1523 та кичик бизнес субъектларига беминнат хизмат кўрсатяпти. Шундан 309 таси деҳқон ва фермер хўжаликлари , 448 таси кичик корхона ва фирмалар, 726 таси эса, юридик шахс мақомига эга бўлмаган хусусий тадбиркорлардир.

Банк жорий йилнинг 9 ойи мобайнида кичик бизнес субъектларига 890 миллион 700 минг сўм кредит маблағ ажратди. Ушбу даврда махсус имтиёзли жамғарма фондидан 136 миллион 600 минг сўм кредит ажратилган.

Ушбу кредитларнинг асосий қисми банкнинг ўз маблағи ҳисобидан бўлиб, 778 миллион 100 минг сўмни ташкил қилади. Шундан 407 миллион 500 минг сўми микрокредитдир. Бу ажратилган кредитларнинг соҳалар бўйича тақсимланиши қуйидагича:

–саноат соҳасига – 295 миллион 100 минг сўм;

–қишлоқ хўжалиги соҳасига – 175 миллион 600 минг сўм;

– савдо соҳасига – 249 миллион 700 минг сўм;

–қурилиш ва маиший хизмат кўрсатиш соҳасига – 14 миллион 300 минг сўм;

–бошқа тармоқларга – 43 миллион 300 минг сўм.

Ҳозирда ушбу ажратилган кредитлар бўйича вилоятда 248 та янги ишчи ўринлари яратилди. Шу билан бирга, 177 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Мамлакатимизнинг асосий бойлиги ҳисобланган пахта ва ғалла ҳосилини етиштириш мақсадида, Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 7 ноябрдаги 383–сонли қарорига мувофиқ 280 миллион 500 минг сўм пахта ҳосили учун ва ғалла ҳосили учун 5 миллион 300 минг сўм кредит маблағлари ажратилди.

Кейинги вақтда банк томонидан ажратилаётган кредитлар эзгу мақсадлар йўлида ишлатилаётганлиги ҳам қувонарли ҳолдир. «Меҳр ва мурувват йили» муносабати билан ҳам талай эзгу ишлар қилинмоқда.

« Болажон шифо » хусусий клиникасига икки ярим йил муддатга тиббий асбоб–ускуналар сотиб олиш мақсадида 20 миллион сўм миқдорида имтиёзли кредит ажратилди. Бу клиникада яна 7 та янги ишчи ўринлари ҳам яратилди.Вилоят болалари учун юқори малакали диагностик тиббий хизматлар кўрсатиб келинмоқда. Бу хусусий клиника замонавий тиббий асбоб–ускуналар билан жиҳозланган бўлиб, беморларга йилига 10миллион 800 минг сўмлик кўп йўналишда педиатрия, терапия, фитотерапия, диагностика, амбулатория хизматларини кўрсатиш режалаштирилган.

«Ўзсаноатқурилишбанк» нинг Бухоро минтақавий филиалида қилинаётган эзгу ва хайрли ишлар кўламини янада кенгайтириш йўлида янги режалар ҳам тузилаётганлиги билан танишдик ва бу мақсадларнинг амалга ошишида банк раҳбариятининг тажрибалари қўл келишига ишонч ҳосил қилдик.

М. ЖАББОРОВ.



–Компьютер–беминнат дастёр. Янги лойиҳалар, янги режалар тузишда унинг имкониятларидан оқилона фойдаланиш зарур, холос, –дейди суҳбатдошларимиз.

Тошкент Давлат иқтисодиёт университетида фаолият кўрсатаётган « Информатика,менежмент ва иқтисодиёт таълим педагогикаси » факультети ташкил этилганига салкам ўттиз йил бўлди.

Нўмонжон Муҳаммаджонов олган сурат.

АМАЛДОР ДЎСТИМГА ОЧИҚ ХАТ

«Дўстим, ушбу хатимни минг–минг истиҳола билан ўкинч ва афсус ила ёзаяпман. Қўлимга қалам олишимнинг сабаби ҳам шу каби дилимни кемираётган қийноқлардир. Кўнглимдан кечаётганини сенга айтмасам янада изтиробда қоламан, ўз виждоним олдида пок бўлишим ва Яратган олдидаги қарзимни узишим керак–ку, ахир. Дўстларини кўриниб турган фалокатдан энг тубан кишиларгина огоҳлантирмаслиги мумкин. Сен мендай «ношуд дўст»дан кечганингга, гапларимни тингламай қўйганингга анча бўлган. Мени эса сендан кечишимга ҳали бир баҳя бор. Газета ўқимаслигингни–ку, биламан, лекин ўқиб, сенинг сийратингни таний олган бирор ходиминг ушбу хатимни етказиши аниқ.

Қадрдоним! Эслайсанми, ёшлигимизда мактабдан қайтаётиб, оналаримиз берган қоттан кулчаларни Дамариққа оқизиб, Жинкўприкда тутиб олардик. Қалбимиз ҳам ўша ариқнинг сувидек шаффоф ва тиниқ эди. У дамларни эслаяпману кўнглим сувга бўккан кулча каби ивиб кетяпти. Ҳозир ўша тиниқ–бокира қалбларни ғубор қоплагандай.

Орзуларимиз ёдингдами? Улғайишни, мен журналист, сен қонун ҳимоячиси бўлишни орзу қилардик. Тилакларимиз ҳам нақадар беғубор эди. Уларнинг туб моҳиятида бизни оқ ювиб, оқ тараган, шу юрт, шу халққа хизмат қилиш, доимо ҳақиқат тарафида бўлиш ётарди. Иккаламиз ҳам ёвузликни ёмон кўрардик. Хоин, ўғри, ярамас кимсалардан нафратланардик. Бу бизнинг шууримизга оналаримиз айтган аллалар, эртаклар билан сингган эди.

Тарих фанини яхши кўрардик, аълога ўқирдик. Ватанимиз ўтмишда буюк бўлгани, бу ердан етишиб чиққан алломалар, муҳаддислар, мунажжимлар, олимлар дунё фанига қўшган ҳиссаларини билардик. XVI–XIX асрларда эса юртимиз тараққиётда бошқа давлатлардан ортда қолгани бизни кўпроқ қийнарди. Бундай мулоҳазаларга жавоб излардик. Асл сабаби билимсиз, порахўр, калтабин амалдорлар юрт манфаатидан ўз нафсларини устун қўйгани, чала муллалар жиғилдонларини ўйлаб Оллоҳ номини, динни соттани, бидъат ва хурофот авж олгани, иштратта берилган подшолар ўзаро уруш қилиб, халқни хонавайрон қилгани, уни маърифатдан айри сақлагани деб билардик. Охир оқибатда шундай буюк ўлкани мустамлака исканжасига ўзлари боғлаб бергани жонимизни қақшатарди. Сен ўз туриш турмушинг билан менга ўша Ватан хоинларини эслатаяпсан.

Тарих ўқитувчимиз Туюн домла: «Инсон ҳеч қачон ўзлигини, эътиқодини йўқотмаслиги керак, йўқса манқуртга айланиб қолади» деб қайта–қайта уқтирарди. Эътиқодимиз доимо халқ билан бирга бўлиш, Ватанга хизмат қилиш эди. Сен бу эътиқодга оёқ қўйганга ўхшайсан, назаримда.

Мана, ниҳоят, ўзимиз орзу қилгандай улғайдик, мен оддий журналист, сен эса катта амалдор бўлиб етишдинг. Мансаб пиллапояларидан шаҳдам қадамлар билан юқорилаб бораётганингни кўриб ич–ичимдан қувонардим. Лекин, хайрихоҳлигим узоққа чўзилмади. Сен ўзгариб кетдинг. Қайси маънодаки, ўзингдан мартабаси пастларни назар–писанд қилмайдиган, инсоннинг қадр–қимматини пул билан ўлчайдиган бўлдинг. Дўстларингни ҳам тубдан ўзгартириб, ўзингга ўхшаган дўстлар орттирдинг. Данғиллама иморат, қўша–қўша машиналар сенга ўзгача кибр ато этган кўринади. Аслида маошинг кўп қатори эдику. Буларга қандай қилиб эришдинг? Таъна қилмоқчи эмасман, кўролмаслик касалидан бутунлай ҳолиман. Ҳалолинг бўлсин! Менинг бўғзимга тиқилган суякдек қадалаётгани одамларнинг сен ҳақингдаги «узун–калта» гапларидир.

«Ўғри бўл, ғар бўл, инсоф билан бўл» деган мақол бор доно халқимизда. Менимча, сен қуюшқондан чиқиб кетдинг. Ёрдам сўраб борган фуқароларни, ҳатто яқин ўртоқларингни олдингга киритмас экансан. Сенинг қабулингга кириш, машаққатли экан. Йўқса олдингга кириб юзингга айтган бўлардим. Аслида сен бу фуқароларнинг ҳаётига озми–кўпми масъулсан. Ризқу насибанг шулар ҳисобидан»ку. Бу муқаддас заминнинг ҳар бир қарич ерига, табиатига, фуқаросига сену мен масъулмиз.

Инсон бу дунёда қорин учун яшамайди. Одамлар билан фақат шахсий манфаат юзасидан муомала қилиш, нақадар тубанлик. Бу ҳолга ҳам чидаш мумкиндир. Лекин қизинг қатори қизлар билан дон олишиб юрганинг нимаси? «Эл оғзига элак тутиб бўлмайди». Лекин, «шамол бўлмаса дарахтнинг учи қимирламайди». Бундай жирканч ҳатти–ҳаракатларингни фош этаётганлар ҳам сен билан айшу ишрат қилаётган «қадрдонларинг». Халқимизда «қинғир ишнинг қийиғи қирқ йилдан кейин ҳам чиқади» деган гап бор. Табиатингда бундай ярамас иллатлар йўқ эди–ку! Қаердан илдиз отди?

Биламан, тўғри яшашнинг оғирлигини. Лекин борлиқнинг ибтидоси эзгулик ва ёвузликнинг курашидан бошланган. Бу эзгуликнинг ғалабаси билан интиҳо топиши, шубҳасиз. Муқаддас китобларда шундай дейилган. Сен наҳотки ёмонлар ва мағлублар тарафида бўлишни истасанг.

Эл оғзидаги бу гаплар эрта–индин салафларимизнинг ҳам қулоғига етиши аниқ. Зеро, ҳар қандай жиноят жазосиз қолмайди. Қонунга чап бериш мумкиндир, аммо виждон ва Ҳақ олдида бунинг имкони йўқ. «Фарзанд отанинг сиридир» деган ҳадисни яхши билсанг керак. Бу дегани сенинг яхши ва ёмон ниятларинг, қилган ишларинг фарзандларинг ҳатти–ҳаракатида намоён бўлади. Шунинг ўзи буюк жазо эмасми? Бундан олдинроқ ўзингни тузатишинг, тавба қилишинг шарт. Бунинг учун ҳали фурсат бор.

Афсус ва надомат билан қадрдон дўстинг ШУҲРАТ НАСИМ.»

Руҳоният иқлимлари

ЎЗИНГГА БАҲО БЕР!..

Одам бўлиб келдик, одам бўлайлик

Дилшоднинг касби ўқитувчи. Оқила, хушрўй аёли, икки фарзанди, тор бўлса-да, янги иморатли ҳовлиси бор.

Кейинги пайтларда Дилшод ҳаётидан кўп нолийдиган, дарсларни ҳам «хўжакўрсин»га ўтадиган бўлиб қолди. У турмушнинг қийинчиликларинигина кўрар, ҳар кимдан айб ахтарарди. У «Ҳаёт синовларининг тобора оғирлашиб, кун кечириш қийинлашаётганлиги учун бой айбдор — ҳоким», деган қарорга келди. Бу шаҳарда Дилшод деган ўқитувчи борлигини, ҳатто билмайдиган «бепарво», ношуд ҳокимни ҳар куни сўкадиган одат чиқарди.

Маошини вақтида беришмаса ҳам ҳоким айбдор!

Гўшт қимматлашса ҳам ҳоким айбдор!

Ахлатни (вақтида) олиб кетишмаса ҳам...

Оёғидаги туфлиси нобоп чиқса ҳам...

Дилшоднинг сўкинишларидан аёли, болалари ҳам безиллаб қолишди. Ахир ҳокимга аталган ҳақоратларни улар эшитишга маҳкум, дадаларининг жазаваси қўзиши сабр косаларини тўлдириб борарди.

— Жон дадаси, асабингизни асранг, кун кечириш қийин бўлса, биргина ҳоким айбдор бўлмайди-ку. Ким нимага лойиқ бўлса, шуни кўради. Болаларнинг ёнида ҳадеб сўкинаверманг, — уни босмоқчи бўларди аёли бечора.

— Сен нима учун ҳокимнинг ёнини оласан?! Ўчир овозингни! Тил меники, хоҳлаганимча сўкаман, эпласа — ҳокимлик қилсин, — бешбаттар ғазабга минарди Дилшод.

Аёлининг куюнганича бор, ахир болалари — кўзининг оқу-қоралари отадан нолишни, бировларни ҳақорат қилишни ўрганишаётган эди-да.

Бир куни Дилшод эртанги дарсга тайёргарлик кўрар, юраги эса ҳар доимгидек ғазабга, норизоликка, аламга тўла эди. Боши айланиб, кўз ўнги хиралашди. Кўзларини ишқаб очса, қаршисида оқ либосли, салла ўраган нуроний отахон турарди. Отахон кулимсираганча унга ачинганнамо боқарди. Дилшод тушиммиўнгимми дея ўзини чимдиб кўрди, йўқ, ўнги. Ақли лол турган Дилшодни отахоннинг ўзи тинчлантирди.

— Қўрқма, болам, зиён етказмайман, аксинча, сени зиёндан-гуноҳдан огоҳ этиш учун келдим. Бобонгман, болам.

Отахоннинг товуши шунчалар меҳрга тўла эдики, беихтиёр Дилшоднинг кўзлари намланди.

— Ҳаёт синовларидан чарчаган кўринасан.

— Ҳа, — бош ирғади Дилшод.

— Лекин синовлар ҳар бир одамнинг кучига, тоқатига яраша берилишини билмайсанми? Ҳаётдан нолиб исён қилгандан, шукур афзал эмасми, болам...

Айтгин-чи, назарингда кун кечиришингни қийинлаштираётган амалдорларни сўкканинг билан улар ўзгариб, ҳаётинг енгиллашиб қоладими?

— Йўқ.

— Ҳа, ҳаёт енгиллаб қолмайди, балки, дилинг ғазабга тўлишни, тилинг ёмон сўзлар айтишни ўрганади. Ҳар куни ҳақорат эшитаётган яқинларинг қалбига ҳам ғашлик, алам тўлади. Энг ёмони, болаларга ҳам сўконғичликни ўргатасан. Аксинча, турмушда борига рози бўлиб, шукур қилолсанг, қалбинг юмшаб, сабрга тўлади. Ана шунда Аллоҳнинг: «Ғийбат қилма! Одамларга баҳо берма! Замондан норизо бўлма!», деган амрларини бажарасан. Аҳли-оилангни ғийбат, ҳақорат эшитишдан сақлайсан. Дилшоджон, болам, энг катта хатоинг «Ҳокимларга итоат қилинг!», деган Аллоҳ амрини бажармаяпсан. Қуръони Карим таржимасини олиб 61-бетини оч, «Нисо» сураси, 59-оятни ўқи.

Дилшод отахоннинг айтганини қилди.

— Мана, англадингми? Ҳоким ўз вазифасини қандай бажараётган бўлса, ўзи жавобини беради. Аллоҳдан қўрққан куни ўзгариб ҳам қолар, аммо бундан сенга не наф? Ҳоким ўзгаргани билан ҳаётинг яхшиланиб қолмайди. Ҳар кимдан нуқсон, камчилик ахтариб, топиб нолишни ўрганган нафсинг ўз наздингдаги «янги-яхши» ҳокимдан ҳам айб қидира бошлайди. Болажоним, ҳокимдан нолиб, исёнкор бўлгандан кўра Яратган Эгамга итоат қил. Ўзингни ўнгла. Жунбушга келган нафс ноғорасига ўйнамасдан, уни шукрга ўргатгин. Сизларга шундай ҳокимни раво кўрган Аллоҳ амрини тафтиш қилмай, унга итоатда бўлмоқ зарур. Парвардигор амрига қарши исёнингни кўриб, мен даҳшатга тушиб кетяпман. Аллоҳ билгувчи, унга ишонгин-да, Ўзи танлаган ҳокимини қабул қил. Ахир яратганнинг изн-иродасисиз ҳеч бир иш бўлмас. Балки Аллоҳ, сенинг фикрингча, «нолойиқ» ҳокимни бериб қўйиб, ҳар бирингизни синаётгандир, сабрга ўргатаётгандир... Каломда ёзиб қўйибди: «Магар (балоли кунларда) сабр қилиб, (сафоли кунларда) яхши амаллар қиладиган зотлар борки, ана ўшалар учун мағфират ва катта ажр мукофот бўлур». «Ҳуд» сураси, 11-оят. «Ҳар бир жон ўлимни тотиб кўргувчидир. Биз сизларни (сабр-тоқатларингизни синаш учун) ёмонлик билан ҳам, (шукр қилишингизни билиш учун) яхшилик билан ҳам «алдаб» имтиҳон қилурмиз. (Кейин) фақат Бизгагина қайтарилурсизлар». «Анбиё» сураси, 35-оят.

Ўзгалардан айб қидиргунча, ўзингга баҳо бер. Ҳаётинг чиройли, муслима аёлинг, гулдек фарзандларинг, ризқ берувчи касбинг бор. Қодири Аллоҳ сени бандаларининг тарбиячиси этиб сайлаб, ўқитувчилик касбини берди. Ўқувчиларингга одамийликни, мўминликни, меҳр улашишни ўргатмоқ учун, аввало, ўзинг ибрат бўл.

Исминг маъноси ҳақида ўйлаб кўрганмисан? Дилшод. Аллоҳ раво кўрган бу исминг — вазифанг, болам, дилларга шодлик тарқатиб яшамоғинг шарт.

Ҳар нафасда ўзингни тафтиш қилиб яшашга одатлан. Зиммамга юкланган вазифаларни қандай бажаряпман, дея ўз-ўзингни сўроққа тут.

— Ҳаётим хатодан иборат экан-да, отахон. Аммо намозни канда қилганим йўқ, Аллоҳ мағфиратли, кечирувчи... — деди изтиробга тушиб Дилшод.

— Хатоларингни англаб пушаймон қилмоқдасан, аммо шуни унутмагинки, мўминнинг шукури жойнамоздагина эмас, балки, сабр ва келишув билан қилаётган амаллари ёзиладиган қалбида бўлади. Сабр қилиш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. Сабр осон иш бўлганда эди, Аллоҳ бандаларига сабрли бўлишни вазифа қилиб буюрмас эди. Сабр қилишдай оғир вазифани тўғри бажар. Одамларни ҳақорат қилиб, гуноҳкор бўлгандан кўра, ҳаёт синовларига бардош бериш йўлларини изла!».

Отахон гапини тугатди-да, ғойиб бўлди. Дилшоднинг ақли бу суҳбатдан лол, аммо дили равшан эди. У Яратган сари олиб борувчи икки йўл моҳиятини теранроқ англади. Парвардигори олам ҳаётни улуғ ҳикмат асосида яратганлигини, ҳар бир банда, хоҳ оддий фуқароми, хоҳ ҳокимми, бу ҳаётда чиройли ишлар қилиб яшаб ўтиши кераклигини дилдан тасдиқ этди. Нолиш, норозиликка тўла кечаги кунни унутиб, бугун билан яшашга аҳд қилди. Шукури, гўзал сўзлари, чиройли хулқи-одоби билан Бугунни безашга қодир, дилларга шодлик улашувчиликдай улуғ вазифаси бор.

Ҳа, бу кеча ношукр, баджаҳл, тили заҳар Дилшод «ўлиб», сабрли, меҳрли, итоатли Дилшоджон қайта туғилди.

Тонгда кўтаринки руҳ билан уйғониб, аввало, аёлидан узр сўради, фарзандларини қучиб, ўпди. Ўғли Фарҳоджонга исмига битилган вазифаларни тушунтирди. Қизалоғи Шоҳсанамни эса, қизалоғим, сен ўзи, сўзи, одоби гўзал санамлар — маликалар сингари улғайишинг керак, дея эркалади. Эрининг қўполликлари, нолишларидан зада аёлининг кўнгли юмшаб, кўзларига ёш тўлди.

— Ассалому алайкум, — дея уни кутиб олган ўқувчилари ҳам қаршиларида самимий, меҳрибон қалблар тарбиячисини кўриб ҳайратда эдилар.

Ёмонлик ошёни бўлган нафс-исенкор банда «ўлди» ва қалбига эзгулик, нур ўрнашган жон уйғонди, яъни қайта тирилди.

Аллоҳнинг кароматлари беҳисоб, ўлим бермай туриб, қайта тирилтирганингга шукр.

Ҳаётхон ҚУРБОНОВА.

ИШҚ МЎЪЖИЗАСИ — БУ!

Талабаликнинг қийинчиликлари, синов-имтиҳонлари кўп. Лекин барибир талабаликни «олтин давр» дейишганича бор экан. Агар талаба бўлмаганимда Қашқадарёлик дўстларим қайда эди-ю, Косондан Ғузор туманига келин тушириб бориш завқи қаёқда эди. Тўй баҳона Қашқадарё вилоятининг кўп жойларини кўриб қайтдим, тўй билан боғлиқ одатларига гувоҳ бўлдим. Ҳозир кўнглимга тугилган гапларнинг ёзилишига ҳам бир одат сабаб бўлди. Бу одат ҳамма вилоятларда бўлса керак-келин ва куёв ўзлари яшаётган жойдаги улуғлар хокини зиёрат қилишар экан, бу билан ўтмишдаги буюк аждодларимиз хотирасига ҳурматларини билдиришади.

Биз ҳам шу анъанага мувофиқ Косондан Ғузорга-куёвникига кетаётиб, авал Қарши шаҳридаги «Мотамсаро она» ёдгорлик мажмуаси зиёратига тўхтадик. Туфлим оёғимни қисиб юборгани, юришга қийналаётганим учун машинадан тушмадим. Кейин Ғузорга, «Тоҳир ва Зуҳра» зиёратгоҳига бордик. Машинадан тушмай десам, кўришни орзу қилиб юрган жойим (дугонам кўп мақтаган эди), тушай десам оёғим азоб беради. Менга қолса тезроқ куёвникига борсак, даҳмаза туфлини ечсаму қутулсам, деган хаёлдаман. Бўлмади, тушдим. Салқин, сокин, бир текис экилган арчаларнинг, турфа гулларнинг кузги яшилликларидан янаям сокинлашган гўша. Бу манзараларга маҳлиё бўлиб турганимда яна оёғимда оғриқ турди. Айниқса, зиналардан чиқиб-тушиш азоб бўлди. Йўлаклардан юриб борар эканмиз кўнглимга ҳеч нарса сиғмас, туфлимни ечиб улоқтиргим келарди. Мана, битта ёдгорликдан ўтдик. Бир томонда оқ гул, бир томонда қизил гул, ўртада чақиртиканак. «Ҳа, ўқиганман-Тоҳир, Зуҳра, ўртадагиси Қоработир» бефарқ-қина ўйладим. Уф, яна зиналар, яна йўлак. Мана, ниҳоят жуфт қабр. Келин-куёв қабр пойига гул қўйишди. Кейин ҳамроҳларимиз қабрларнинг пойгак томонига, куёв ўз дўсти ва мен келин билан қабрнинг бош томонидаги ўриндиққа ўтирдик. Хайрият-э, жоним ором топди. Узун чопон, бошига дўппи кийган қори сокин овозда тиловат бошлади. Бирдан... онгим ёришиб кетди, хаёлимни чақиндек бир нарса кесиб ўтди. Ўйларим тиниқ тортди. Қабрларнинг бири катта, бири кичик эканини ҳам энди сездим (негадир юрагим эзилди...).

Каттаси Тоҳирнинг, кичиги Зуҳранинг қабри бўлса керак. Тавба, қабр ҳам шунчалар чиройли бўладими? Йўқ, чиройли деб қабрлар гумбазидаги жимжимадор нақшларни айтмаяпман, мен ҳозир ўша пайтдаги ўйларимни ёзяпман. Қабрлар севгидан сўйларди, севишганларнинг мангу макони эди, шунинг учун ҳам негадир «чиройли» деган сўзга лойиқ туюлди ўша пайтда. Лекин бу чиройда чексиз мунг бор эди, Чексиз Мунг... Сокин тиловатга сомеъ бўлиб жуфт қабрга термулганча ўтирар эканман, кўз олдимда кўркам ва оқ юзлик, келишган қора кўзли, мутаносиб қора қошли йигит, қора кўз, қуюқ жингила киприк, тим қора кўзли, қоп-қора камон, ўтиб кетган нафис, қийиқ қош, тўлган ойдек ғуборсиз оқ юзли малак билан намоён бўлди. Ажаб Тоҳир ва Зуҳра бир-бирига ўхшар экан. Ёки ҳамма севишганлар-чин севги эгаларининг сиймоси бир-бирига ўхшайдими?! Ахир ҳозирги таъриф Отабек ва Кумушнинг суратига берилган таъриф-ку, ёд бўлиб кетган бу чизгиларни нега Тоҳир ва Зуҳранинг суратига кўчирдим. Чин ишқнинг мўъжизасими бу? Шу ўйлар асносида мени кўп бор йиғлатган Отабек ва Кумушнинг аччиқ, бироқ барибир ёруғ ишққа тўла қисматларини эслайвердим.

Аё чарх, этдинг ортуқ жабр бунёд,
Кўзим ёшлиғ, тилимда қолди фарёд.
Ҳаётим лолазоридин аюрдинг,
Ёқиб жоним, кулим кўкка совурдинг.

Тиловат тугади. Юзимга фотиҳа тортаётиб, кўз ёшларимни ҳам астагина сидириб олдим. Нам кўзларим билан қабрлар бошидан ҳозиргина хаёлимда такрорлаганим-тўртликни қидирдим, йўқ. Бирдан англадим, бу-Кумушбибининг қабртошидаги ёзув эди-ку! Ажаб, яна нега хаёлим «Ўткан кунлар»га учди? Билмадим, билмадим... Бўғзимга бир нарса тиқилди, қабрларни қучиб йиғлагим келарди...

Йўлак бўйлаб қайтар эканмиз, Севишганларнинг чин қабри озгина олисда жойлашгани (буни кейин бир дугонамдан эшитдим), бу-уларнинг рамзий қабрлари эканини ҳам унутгандим. Кўзим боя мен эътибор бермай ўтган ёдгорликка тушди-кўз ёшларим дув тўкилди: бир томонда нафис Оқ Гул, бир томонда қизилми, нимпушти чечаклар, ўртада. . .Чақиртиканак. . .

Аё чарх, этдинг ортуқ жабр бунёд. . .

Бор дунёни унутгим келарди. Лекин дугонам-Келиннинг олдида бўлишим, хаёлларимни йиғиб, кўзёшларимни артишим керак. Келин-куёв ортидан борар эканман, ажабландим, туфлим оёғимни қисмаётгандек эди. Уларга етиб олгач, яна ортимга қарадим, қулоғимга эса, жарчиларнинг овози урилгандек бўлди:

Хон Бобохон қиз кўрди,
Отини Зуҳрахон қўйди...

Машинага ўтириб, ўзимнинг зиёрат бошидаги ўйларимдан оғриниб кетдим. Боягина, тиловатдан кейин ёришган кўнглим Оқ Гул ва Қизил Гул ўртасида ўсиб ётган чақиртиканакдан хира тортарди. Ўша атрофдаги қишлоқнинг номидан юрагим яна бир увушди: ҚОРАТИКАН. Йўқ, ёруғ ўйлар билан зиёратгоҳдан чиққандим, ёруғ ўйлар билан кетишим керак. Ривоятда айтилган-Оқ ва Қизил Гул чақиртиканакни пастда қолдириб, юқорига ўсиб чиқиб бирлашган эди. Ахир бугун севишганларнинг тўйи, улар билан Чин Севги зиёратидан қайтяпмиз ахир...

Машина йўлда кетиб борар экан, ёнимда висол бахтидан сармаст ўтирган жуфтликка Худойимдан Севгилари боқий бўлишини, Уларга ҳамиша Ишқнинг ёруғ манзиллари насиб этиб, Тоҳиру Зуҳроларнинг руҳи ёр бўлишини тиладим.

Зумрад ВАҲОБОВА.



Дийдор онлари яқин...

Ироқи дўппи, қаро кокиллар... бу оҳу кўзлар кимнинг йўлларига термулган, кимга интизор? Шарқироқ сой бўйида туриб, тошдан—тошга урилиб оқаётган сувнинг оҳангига монанд бир қўшиқ куйлайди кўнгил.

Офтобнинг нурлари қаро қошларга эгизак рангли нимчага қадалган мунчоқларни чертиб, кўзни қамаштиради. Нимпушти, ҳарир либоснинг этакларини ўпган майсалар бахтиёрликдан энтикиб кетади: «Дийдор онлари яқин...» Ўсма сувининг бўйи таралган сочларни тортқилаб қизнинг қулоғига шивирлайди еллар: «Дийдор онлари яқин...»

Бутун борлиқ бу покиза орзуга интиқ. Сой сувига юзини чайган ялпизлар ҳайратда, энди сувлар—да мастона оқади.

Энди оҳиста қадам товушларидан дарахтзордаги қушлар жимиб қолишади. Малакмонанд қизнинг нимтабассуми бахтиёрликдан нишона эмасми?!

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист НЎЪМОНЖОН МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат-лавҳа

Рамазон ўгитлари

РЎЗА ШАЙТОННИНГ ЙЎЛИНИ ТОРАЙТИРАДИ

Рамазон— муборак,муқаддас Қуръони Карим нозил бўлган ой. Шу шарафнинг ўзи унинг таърифи учун етарли. Аммо яна сабр ойи,тақво ойи, покланиш ва тавба ойи, деб ҳам тавсифланади. Бу ой инсоннинг жасади покланиб, руҳи қувватланиб, қалби нурланиб, Аллоҳга тобора яқинлашмоғи учун ҳадсиз имконият майдони—дур.

Аллоҳ таоло Қуръони Каримда: «Эй имон келтирганлар! (Эй, Аллоҳга ишонган, ислом неъмати билан шарафланиб, ислом неъмати билан файзиёб бўлган бандалар!) Сизлардан илгари ўтганларга фарз қилингани каби, сизларга ҳам саноқли кунларда рўза тутиш фарз қилинди. Шоядки тақволи кишилар бўлсангизлар» деб марҳамат қилади.

« Тафсири Ибни Касир » да маъно бундай шарҳланади: Бу рўзада баданни поклаш шайтоннинг йўлларини торайтириш (ҳикмати) бор. Шу жиҳатдан «Саҳиҳайнда » (яъни,Имом Бухорий ва Имом Муслим «Саҳиҳ»ларида) «Эй ёшлар жамоаси! Сизлардан кимики шаҳватга қодир бўлса, у уйлансин. Кимики уйланишга қодир бўлмаса, бас, у рўза тутсин» деган ҳадиси шариф собит бўлди.

Дуолар шаксиз ижобат бўладиган муборак рамазон ойининг шарофатидан сиз ҳам баҳраманд бўлинг, Аллоҳ эзгу ниятларингизга етказсин.

Спорт оламида

ЎЗБЕК ФУТБОЛЧИЛАРИ ҒАЛАБАСИ

Куни кеча Иордания пойтахти Аммон шаҳрида Ўзбекистон футбол терма жамоаси Ироқ термасига қарши майдонга тушиб, 2:1 ҳисобида зафар қозонди. Вакилларимиз бу ғалабадан сўнг Германияда бўлиб ўтадиган Жаҳон чемпионатининг 2-саралаш баҳсларига йўлланма олди.

ПЕЛЕ НАФАҚАГА ЧИҚМОҚЧИ

XX асрнинг энг буюк футболчиси Пеле расман нафақага чиқишини маълум қилди. У бунинг учун зарур бўладиган ҳужжатларни тўплаши ва керакли идораларга бериши лозим. Энг қизиғи, унинг нафақаси 900 доллар эканлиги ҳаммани бирдек ажаблантирмоқда.Аслини олиб қаралганда бу пуллар Пеле учун ҳеч қандай аҳамият касб этмайди. Чунки, унинг шахсий бизнеси, турли даромади 14 миллионни ташкил этади.

Бироқ гап шундаки, футболчи бразилиялик солиқчилар билан келиша олмай қолган. 1996 йили у фирибгарликда айбланиб, қамоққа олинганди. Ўшанда Пеле ўз даромадларининг маълум қисмини солиқ органидан яширган деб топилган. У аҳллилик қилиб йиллик даромадини атиги 300 минг доллар деб кўрсатган эди. Бир тарафдан олиб қаралганда уни тўғри тушуниш керак. Айтиш мумкинки, унинг расмий даромадлари қанчалик кўпайса, у ўз болалари учун шунчалик кўп миқдорда алимент тўлашига тўғри келади. Ҳеч кимга сир эмаски, Пеленинг никоҳсиз фарзандлари жуда кўп. Фақатгина айрим аёллар фарзандларининг ҳақиқий отаси у эканлигини исботлашга эришганлар. Шу туфайли Пеленинг даромадларидан алимент олиб турадилар. Масза қилиб кайфу-сафо қилиб юрган ота эса бундай чигал ҳолатдан қутулишнинг ягона йўли — оддийгина нафақахўр бўлиш керак, деб ҳисоблаган бўлса ажабмас.

«ПАХТАКОР» ЮҚОРИЛАМОҚДА

Германиянинг Висбаден шаҳрида жойлашган Халқаро футбол тарихи ва статистикаси федерацияси (IFFHS) дунёнинг энг кучли 350 футбол жамоасининг янги рейтинг жадвалини эълон қилди. Ҳар ойнинг биринчи ўн кунлигида аниқланадиган рейтингда жамоалар ўз ўринларини тез-тез алмаштириб туради. Октябр ойи учун биринчи поғонани Англиянинг «Манчестер Юнайтед» жамоаси банд этди. Эътиборли томони, бу жамоа сўнгги бор 2003 йилнинг март ойида, яъни 19 ой олдин шу ўринга муносиб деб топилган эди. Кейинги икки поғонани Испаниянинг гранд жамоалари — «Реал» ҳамда «Валенсия» эгаллаган.

Мамлакатимизнинг етакчи жамоаси «Пахтакор» Осиё чемпионлар лигасидаги муваффақиятли ўйинларидан сўнг жадвалда салмоқли силжишга эришган. 160-ўриндан 123-ўринга кўтарилиш, яъни 37 поғона силжиш жамоа ўйинига мос натижа десак, муболаға бўлмайди. Агарда «Пахтакор» чиройли ўйинларни намойиш этаверса, бу кўрсаткичлар янада кўтарилади.

"ҲАЙВОНОТ БОҒИ"

МАСНАВИЙ

Кўзга шиша ойнагини қўндириб,
Мактаб очди Ҳаққуш жуда дўндириб.

Саъва булбул ўрганишиб илм-фунун,
Ушбу даргоҳ шуҳрат топди куну тун.

Эълон қилди навбатдаги қабулни,
Танламоққа синов этиб мақбулни.

Деди келиб ҳузурига Қурбақа:
— Олиб келдим сизга икки чурвақа.

Бу ўғлим, бу неварамиз — қизники,
Эти сизга, суяклари бизники.

Сув булбули деган машҳур номим бор,
Кўлмак, ботқоқ аҳли ичра шоним бор.

Бизни кўрган сесканмасдан қолмайдур,
Қайси бақа катта ҳаллос олмайдур?!

Эшитгансиз, қоқса отга тақани,
Бизгаям, деб кафтин тутган бақани.

Орзум ошса, гапнинг ҳаққин сўзлайин,
Мадҳингизни қўшиғимда куйлайин...

Эшак келди хўтигини бошлабон,
Мақтаб кетди яғирини қашлабон:

— Ақл тўла боши, қаранг, йирикдур,
Давангирроқ, аммо кўзи тирикдур.

Ўзи ёшу аллақачон ҳанграйди,
Саси карнай овозидай янграйди.

Олинг шуни, бўлай яқин кишингиз,
Қилиб берай бўлса бирор ишингиз...

Нимяланғоч келди ургочи Тулки,
Беқайду беҳаё, бузуқдир хулқи.

Тулкичасин хислатлари туғмамиш,
Иқтидори Аллоҳ берган туҳфамиш.

Минг ниқобга солар эмиш бетини,
Ҳар мақомга ўйнатармиш кетини...

— Кеча қўнди карвонимиз, — дер Туя,—
Ота-бобо касби тижораткуя.

Ушбу ўғлим ҳаммасидан ёшидур,
Ҳудудида туячалар бошидур.

Гоҳи-гоҳи нағма-наво қилади,
Битта сўзни юз айтмоқни билади.

Кўп келишган, қаранг, қадди-бастиям,
Киборлардан асли ўзи наслиям.

Отгунича кўча-куйда шаталоқ,
Ўқиб турсин сизда бизнинг бўталоқ.

Яхшиликнинг баҳосини билгаймиз,
Харажати қанча бўлса қилгаймиз...

Мода Айиқ келди авзойи бузуқ,
Қўш-қўш занжир тақиб ва қўш-қўш узук.

Ҳаддан ошиб кетган ясану тусан,
Бир ёнда Ҳасану бир ёнда Ҳусан.

Деди: — Маймоқ акам тайин этганлар,
(Ўзлари дам олиш учун кетганлар).

Бўлсинмиш иззату-ҳурмат киройи,
Синфнинг олдида буларнинг жойи...

Қадам босди бунга яна кўк бўри,
Етди бир ўринга унинг ҳам зўри.

Олашақшақ келиб ичдики қасам:
— Худо урсин сени гумдон қилмасам.

Бурноғи йил ҳузурингда бўлгандим,
Энди барча кирдикоринг ўргандим.

Талабани тўғри танлаб термадинг,
Қув боламни булбул қилиб бермадинг...

Тағин неча жонзод келиб етдилар,
Бир-бир бу даргоҳни ишғол этдилар.

Ана шундан ўша билим ўчоғи,
Бўлиб қолган эмиш "Ҳайвонот боғи"...

Ғайбиддин ФАЗЛИЕВ.



Аждодлар шаҳди бор ҳар бир ўғил—қиз
Чақноқ юлдуз бўлиб порлайди албат.
Ўзбек спортчисин тетик қўлидан
Голиблик байроғи тушмасин ҳеч вақт!

Дастурхон кўрки

«ТАБАССУМ» ТОРТИ

МАСАЛЛИҚ : 9 дона тухум, 2 ош қошиқ сув, 5 ош қошиқ шакар, 10 ош қошиқ майдаланган ёнғоқ мағзи, 4 ош қошиқ нон толқони.

ТАЙЁРЛАШ : Юқорида кўрсатилган масаллиқлардан тайёрланган аралашма—хамир қолипда пиширилади. Совиган кулчани иккига бўлиб, шарбат шимдирилади.

Тортни шоколадли крем билан, дидингизга қараб безати—шингиз мумкин.

ШАРБАТ ТАЙЁРЛАШ : 0,5 стакан шакарни 0,5 стакан иссиқ сувда эритиб, совутилади. Эритмага 1 ош қошиқ ароқ қўши—лади.

ШОКОЛАДЛИ КРЕМ УЧУН : 1 банка қуюлтирилган сут, 200 гр. сариёғ ва 5—6 қошиқ какао керак бўлади.

ЖУМА ТАЪБИРНОМАСИ

Жума (Одина) куни уйдан—уйга кўчсангиз, янги уйингизга меҳмон келади. Шу куни янги пичоқ тутиш ҳам яхши одатдир, енгиллик билан топиш—тутишингизга барака киради. Жума куни янги кийим кийиш ҳам кўп фойдали, иззат—икром кўрасиз. Одина куни тирноқ олсангиз, анчадан буён ечилмаётган муаммоларингиз ҳал бўлиб, ишларингиз бароридан келади, йўлингиз равон, кўнглингиз равшан бўлади. Шу куни қулоғингиз қичишса, меҳмон кутишга ҳозирланаверинг. Агар кўзингиз учса, меҳмондорчиликка борасиз, яхши кишилар билан ҳамсуҳбат бўласиз. Жума куни фарзанд туғилса, мўмин, мусулмон бўлади. Исм қўйишда ҳам бир нарсага эътибор беринг! Шу куни туғилган фарзанд ўғил бўлса, исмини Одам ёки Адҳам қўйинг. Одина куни сафарга чиқиш яхши, ғусл қилиш ҳам савобли иш, боғланган ишларингиз тез орада юришиб кетади. Деҳқончилик қилиш ҳам баракали якун топади.

МАСЛАҲАТХОНА

* * *

Семиришни истамайдиганлар овқатни кўк ёки яшил идишда еганлари маъқул. Чунки, бу ранглар иштаҳани карнай бўлишдан сақлайди.

* * *

Хом пиёз ёки саримсоқ—пиёзни доимий равишда, лекин меъёрида истеъмол қилиш организмнинг касалликларга қаршилик кўрсатишига ёрдам беради.

* * *

Ош тузини кўп истеъмол қилиш (овқатни шўр тано—вул қилиш) қон босимининг ошишига сабаб бўлади.

* * *

Тирноғингизни тўғри олинг.Тирноқ нотўғри олинганда тери яллиғланиб, кишига қаттиқ азоб беради.

Ана шундай нохуш ҳолат юз бермаслиги учун уни охиригача, ёйсимон шаклда олмаслик керак. Тирноқнинг бу усулда олиниши тери шамоллаб, яллиғланишига ҳам сабаб бўлади.

* * *

Тирноқ қайрилиб,этичига ўса бошласа, клюква мевасининг суви сиқиб олиниб, тирноқ атрофидаги шикастланган жойга тез—тез суриб турилса, жароҳат тез битади.

М. ҚОДИРОВ.

Тишингиз қаттиқ оғриса, қаламширмунчоқни ивитиб, шимдирилган пахтани оғриётган жойга қўйинг ёки ўзини чайнанг.Қалампирмунчоқ таркибида эвекнгол моддаси бўлиб, у модда тиш ва томоқ оғриғини қолдириш хусусиятига эга.

* * *

Меъёридан ортиқча ухлаш айрим касалликларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади.

Гаройиб дунё

КЕЛГИНДИЛАР ИШОРАСИ

Россиянинг Ульяновск вилоятида ажабтовур ҳодиса рўй берди. Шу ерда яшовчи ҳаваскор фотограф Виталий Иванов кутилмаганда бошланган чақмоқни суратга олди, чунки чақмоқ бирдан бошланишидан ташқари, унга ғалати туюлди. Расмларни дарҳол кўздан кечирганда эса, чақмоқ чақиш устида бир хил масофада учта олтилик рақами борлигини аниқлади. Кейинги суратлар эса, бундан ҳайратланарли эди. Чақмоқ чақинлари бўйлаб уч нафар одамсимон келгиндилар юрганлиги ва ерга саволомуз нигоҳда қараб тургани расмларга муҳрланган. Фалакшунослар Виталий Ивановнинг суратлари сохта эмаслигини текшириб кўрди. Ҳозирда ушбу ҳолат бўйича текширувлар олиб борилмоқда.

АЁЛЛАР УЧУН ТАКСИ

Хитойда сўнгги йилларда аёлларга тегажоғлик қилиш кўпайиб бормоқда. Бунинг сабаби, эркаклар сони аёлларга нисбатан бирмунча кўп. Хитой полициячиларининг аниқлаши бўйича, бир эркак камида тўрт аёлга тажовуз кўрсатмоқда. Бу ҳол кўпроқ такси ҳайдовчилари томонидан юз бермоқда. Шунинг учун шахсан аёллар учун хизмат кўрсатадиган таксилар пайдо бўлди. Ҳайдовчилар ҳам, албатта, аёллардир. Бунга сабаб, юқоридаги ҳолатлардир. Хитойлик хонимларнинг аксарият қисмига эркакларнинг ўзбошимчаликлари хуш келмайди ва тегишли идораларга мурожаат қилишмоқда. Ана шуни ҳисобга олган ҳукумат аъзолари аёллар таксиларини жорий этишга мажбур бўлишди.

С. ШОШИЙ тайёрлади.

Milliy tiklanish
Муассис: Миллий тикланиш демократик партияси

Бош муҳаррир: Иброҳим ҒАФУРОВ

Нашр муҳаррири: Дилмурод ҚИРҒИЗБОЕВ

Газета 014-рақам билан рўйхатдан ўтган. Буюртма: Г — 1130. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда .

Газета IBM компютерида терилди ва саҳифаланди.
Саҳифаловчи: Раъно ИСМАИЛОВА
Босишга топшириш вақти 20.00
Нашр кўрсаткичи — 158

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32 уй

Телефонлар: қабулхона — 133-67-51, бўлимлар —136-58-80, 136-58-73

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Босишга топширилди 20.00